Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 4-йил чиқиши
ИЮНЬ, 1969 Й
ЧОРШАНБА
№ 136 (900).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ШАҲРИМИЗНИНГ БИР КУНИ

АЪЛО БАҲОДА

Бугун

давлат конструкторлик технологияси бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводининг коллективи «Ташсельмаш» заводининг буюртмасини бажо келтирди. Завод учун учта кучли агрегат станокларини тайёрлаш бўйича олинган топшириқ ниҳоясига етказилди. Бу янги агрегатлар «Ўзбекистон» маркали «зангори кема»лар учун деталлар ишлаб чиқаради. Маҳсулот буюртмачига «аъло» баҳоларда топширилди.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Уй мубораклар

Бугун

1-уйсозлик комбинатининг уйсозлари армуғон этган 100 квартирали уйда самолётсозлар яқинда ҳовли тўйи ўтказган эдилар.

пойтахтнинг Ҳамза районидаги Рисовая даҳаси IV кварталидаги ана шу уй ёнида бинокорлар яна бир 100 квартирали кўркам бино қурилишини тугалладилар.

Бу уйга 2-пардозлаш бошқармасининг пардозчилари сайқал беришди.

ҚАРДОШ ПАХТАКОРЛАРГА

Бугун

«Ташсельмаш» заводининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мўстақим Юсупов бошчилик қилаётган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш участкасининг коллективи қардош Озарбайжон республикасининг Барда районн пахтакорларига 10 минг дона шпиндел тайёрлаб жўнатди. Бундан ташқари, пахта териш машиналари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлардан 37 минг сўмлик жўнатилди.

МОРОЖЕНОЕ КЎПАЯДИ

Тошкент «Хладокомбинат»ининг мороженое фабрикасида учта поток линия қурилиб, ишга туширилди. Ҳар бир линиянинг конвейеридан соатига 250 килограммдан вафлига ўралган мороженое олинади.

Поток линиялардан бири дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқара бошлади.

Янги техникани 1970 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган эди. Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган социалистик мусобақага қўшилган корхона коллективи поток линияларни шу йилнинг ўзида ишга туширишга аҳд қилган.



Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикасининг чеварлари 132 модель бўйича аёллар кўйлакларини ишлаб чиқараётирлар.

СУРАТДА: фабрика 2-тикувчилик цехининг илғор контролёри Н. Козлова тайёр маҳсулотни савдо тармоқларига жўнатиш учун сараламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Беш йиллик цахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелгача БАЖАРАЙЛИК!

ЧЕВАРЛАР АҲДИ

Тикув цехида доимо иш қизғин. Чеварлар машиналарни чаққон бошқарар, бош кийимларни чоклар ва узун-қисқа ипларни узардилар. Ана шундай бир пайтда Хидоят опа дугонаси София опанинг ёнига келди. Уларнинг бу корхонада бирга ишлаётганларига 10 йилдан ошиб кетди. Ҳаммавақт меҳнатда мусобақалашиб келмоқдалар. Фабрика ҳаётидаги ютуқ ва камчиликлар, бирон бир янгилик уларнинг тортишувига ва бахсига сабаб бўлади.

Бу сафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг Очиқ хатмурожаати уларнинг яна бахслашишига сабаб бўлди.

2-тикув фабрикасининг чевари София Камолова ўтган беш ой мобайнида 4 ёш кадрни тарбиялаб, уларга тикувчилик касбини ўргатди.

Хидоят Ҳусанова 28 йилдан бери тикувчилик касбида ишлаб келмоқда. У ўз касбининг ҳақиқий устаси ҳисобланади. 1969 йилнинг ўтган беш ойида ўнга яқин ёш қизлар унинг ёрдами туфайли ҳунар эгаси бўлди.

Бу икки илғор тикувчи беш қаҳрамонининг Очиқ хат-мурожаатига жавобан беш йиллик шахсий топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилей кунигача бажаришга сўз беришган. Ҳозир илғорлар 1969 йил топшириқларини тугатиш арафасида турибдилар.

◆ *Ленинча меҳнат вахтасида*


ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат Бошқармасига қарашли картон-муқовалаш фабрикасининг коллективи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари тайёрлаб кутиб олиш йўлида олган мажбуриятларини шараф билан адо этмоқда.

— Фабриканинг меҳнат аҳли бугунги кунда 1969 йилнинг иккинчи ярми учун меҳнат қилмоқда,— дейди корхона директори А. Қодиров.— Илғор коллективимиз беш ойда олти ойлик маҳсулот реализация қилиш планини 105,2 процент, товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш планини 117,4 процент бажарган ҳолда тежамкорлик бўйича ҳам белгиланган муддатдан ўзиб кетди.

Ҳозир коллектив ленинча меҳнат вахтасини давом эттирмоқда. Корхонанинг галантерея, картон, аниқ ишловчи аппаратларни ремонт қилиш каби 9 цехи ўртасида тезкорлик билан сифатли маҳсулот тайёрлаш ва ремонт қилиш учун мусобақа авж олган.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан коллектив иккинчи ярим йиллик бошлангич пландан ташқари 120 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, планга қўшимча яна ўн минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежашга аҳд қилди.



Яқинда пойтахтда қурилган бу сунъий шалола — фаворалар сафи мармар деворлар оша шовуллаб В. И. Ленин номли майдоннинг ҳуснига ҳуси қўшиб турибди.

В. Исаков фотоси.

ШИФОКОРЛАР АНЖУМАНИ

Бугун

Тошкентда Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон медицина илмий жамияти дерматолог-венерологлари правлениесининг қўшма Пленуми ўз ишини бошлади.

— Бутуниттифоқ медикларининг дерматология бўйича форуми Тошкентда биринчи марта ўтказилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг дерматология-венерология кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор И. А. Телишевский.— Тошкентга СССР медицина Фанлар академиясидан, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги институтларидан ва ҳамма қардош республикалардан олимлар келишди.

Форумда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан қўплаб вакиллар қатнашмоқда.

Медикларнинг бу форумида москвалик ва қардош республикалардан келган олимларнинг бир неча докладлари тингланади. Шунингдек пленум қатнашчилари касалликларни даволашдаги янги илмий-тадқиқотлар билан танишадилар.

Илмий ходимлар ва барча врачлар форумда профессорлардан Е. Н. Туранова, А. М. Овчинов ва Б. А. Теохаровларнинг докладларини тингладилар. Бу докладларда касалликларнинг олдини олишдаги, профилактика ва даволашдаги янги ихтиро қилинган методлар баён этилади.

Форум 14 июнгача давом этади.

● *Бизнинг интервью*

«ҚЎШИҚ ПОЕЗДИ»

Бугун пойтахтимиз санъат даргоҳларининг хушовоз хонандалари, раққосалари, бастакорлари ва ёзувчилари тушган «Қўшиқ поезди» республикамиз областлари бўйлаб жўнаб кетди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи Туроб Тўла мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳаммамизга маълумки, бутун прогрессив инсоният келгуси йили жуда катта тўйни нишонлайди. У ҳам бўлса улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейидир. Ҳозирги пайтда барча санъат коллективларининг ижодий режалари ана шу юбилейга қаратилган.

Бугун узоқ сафарга чиққан «Қўшиқ поезди»нинг репертуари ҳам ана шу юбилейга бағишланган. Поездда Меҳнат Қизил Байроқ ордекли ўзбек давлат филармониясининг эстрада оркестри, «Лазги» «Шодлик» ансамблари халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи ва бошқа коллективлар бор.

Поездда Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон халқ артистлари Б. Зокиров, К. Исмоилова, Б. Давидова, Қ. Миркаримова, республикада хизмат кўрсатган артист О. Ҳайитова ва бошқа санъаткорлар бор.

Ўзбекистон маданиятининг аҳллари 13 июнь куни Термиздаги стадионда ўз санъатларини намойиш қилиш билан «Ленинни шарафлаймиз» деган улкан санъат байрамини бошлаб берадилар.

Санъат байрами Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган областларида бир ой давом этиб, 12 июль куни Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида якунланади.

Санъаткорлар бир ой давомида томошалар кўрсатиш билан бирга колхозчилар, ишчи-хизматчилар билан учрашиб уларга юбилей арафасидаги ижодий режалари ҳақида гапириб берадилар.

Бир ойлик санъат байрами советлар замонида ривожланиб, жаҳонга донғи кетган Ўзбекистон санъатининг ютуқларини кўз-кўй этади.

Халқаро кўргазмаларга

Бугун

Маҳаллий саноат министрлигига қарашли давлат махсус конструкторлик бюроси чеварлари келгуси йил жаҳоннинг бир неча мамлакатларида, бўладиган ярмаркаларга экспонатлар тайёрлашга киришдилар.

Бюрода панно, сўзана, гул кўрпа, чойшаб, зардувол каби нафис буюмларнинг намуналари тайёрланади.

Ўзбек халқининг миллий буюмлари Польша, Туркия, Сурия, Югославия, Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ, Жазоир каби мамлакатларда очиладиган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинади.



Чирчиқ химия комбинати ишчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

СУРАТДА: комбинатнинг пешқадам аппаратчиси Деҳқон Черчибоев. У беш йиллик шахсий топшириқларини бу йил адо этади.

И. Глауберзон фотоси.

КАНИКУЛНИ КОРХОНАДА ЎТКАЗИШАДИ

Ўқиш ва имтиҳонларни муваффақиятли тугатган ўқувчиларнинг ёзги каникуллари бошланди. Уларнинг кўпчилиги бўш вақтларини фойдали меҳнат билан ўтказиш истагини билдиришмоқда. Шаҳримиздаги 43-мактабнинг 9-синфини битирган 60 дан ортиқ қиз каникулларини «Юлдуз» фирмасида ўтказишга ва чеварлик касбини ўрганишга қарор қилдилар.

Шунингдек, 12-мактабнинг 9-синфини битирган 45 ўқувчи қиз ҳам каникулларини «Юлдуз» фирмасида ўтказишмоқда. Шу мактабнинг яна 20 дан ортиқ ўқувчиси 3-пиво заводи ишчиларига ёрдам берадилар.

ЭРКАТОЙЛАР ДАРГОҲИ


Бугун

Москванинг азамат қурувчилари «Марказ-1» кварталида болалар боғчасини тайёр қилдилар. 280 ўринли эркатойлар даргоҳида ҳамма шароитлар яратилган.

Шу кунларда шаҳримизда бир қатор болалар боғчаларида қурилиш ишлари поёнига етди. 3-қурилиш трестининг 23-боқшармаси коллективи ҳам Қўйлиқда ана шундай боғчани фойдаланишга топширди.

Чилонзорнинг 4-кварталида қад кўтарган болалар боғчасида 153-қурилиш трестининг бинокорлари меҳнат қилдилар.

ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР



Саёҳатчилар уйи

Ўзбекистон Давлат лойиҳа институтининг архитектор ва инженерлари бир-биридан чиройли улкан биноларнинг лойиҳаларини тузмоқдалар.

Бугун

Институтнинг биринчи бўлим ижодкорлари Самарқандда қурилиладиган область ижроия комитетининг биноси лойиҳасини ниҳоясига етказдилар. Шунингдек, Фарғонада қурилажак саёҳатчилар уйи лойиҳаси ишлари ҳам тугади.

Бино Фарғона шаҳрида қурилиб 930 меҳмонни ўз бағрига олади. 250 хўранда учун ошхона ва шунча томошабинга мўлжалланган кинозал, 200 ўринли чойхона қурилади.

Туристлар уйида икки-уч кишига мўлжалланган люкс номерларда барча қулайликлар яратилиб, уларда радио телевизор ва телефон ўрнатилади. Лойиҳани яратишда архитекторлар И. Беков, Х. Мирусмонова, Н. Терентьев ва бош инженер К. А. Костандаслар қатнашадилар.

СУРАТДА: саёҳатчилар уйининг макети.

Тошкент фестивалига

Бугун

республика театр жамиятида Ўрта Осиё қўғирчоқ театрларининг фестивалини ўтказувчи ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумки, қўғирчоқ театрларининг жаҳон ташкилоти «УНИМА»нинг Совет Иттифоқи сектори ташаббуси билан шу йилнинг 15—21 сентябрь кунларида Тошкентда қўғирчоқ театрларнинг фестивали ўтказилади.

Фестивалда Тошкент, Андижон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон қўғирчоқ театрлари коллективлари ўз саҳна асарлари билан қатнашади.

Тошкент фестивалига чет эл мамлакатлари санъаткорларининг ҳам келиши кутилмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

10 июнда коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ўз ишини давом эттирди.

Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Л. Корвалан раислигида ўтган эрталабки мажлисда Кенгаш қатнашчилари «Вьетнамга — тинчлик, озодлик ва мустақиллик!» Чақириғини яқдиллик билан қабул қилдилар.

Кенгашнинг кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилишда Австрия Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ Ф. Мури, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Т. Живков ва бошқалар қатнашдилар.

Кечқурунги мажлисда Бельгия Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ М. Дрюмо раислик қилди. Мажлисда Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Я. Кадар, Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижрокомитетининг аъзоси ўртоқ Р. Гиольди, Раҳбар комитетининг раиси, Швейцария меҳнат партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Я. Лехляйтер нутқ сўзладилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қўролли кучларининг жангчилари Америка босқинчилари ва унинг Сайгондаги малайларига сезиларли зарбалар беришда давом этмоқда. Америка мухбирларининг Сайгондан хабар беришларига кўра, сўнгги кунлар мобайнида Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг отрядлари душманнинг юздан ошиқ ҳарбий базалари ва таянч пунктларига муваффақиятли ҳужум операциялари ўтказганлар. Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг муваффақиятли операциялари натижасида душман оғир талафот берди. Сайгондан ғарби-шимолда энг шиддатли жанглар содир бўлди.

ЧССРГА САФАР

ПРАГА, 9 июнь. (ТАСС). Чехословакия ҳукумати Раиси О. Черникнинг таклифига биноан, Польша Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич расмий визит билан бугун Прагага келди. Бу визит бир неча кун давом этади.



КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахтининг прогрессив ёшлари АҚШнинг Вьетнамдаги урушини кўкларга кўтарувчи «Ўшил беретлар» фильмининг кўрсатилишига қарши қаторасига тўрт кун давоми да норозилик намойишлари ўтказдилар.

СУРАТДА: ёш копенгагенликлар «Сага» кинотеатри олдида. ТАСС фотохроникаси.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Никоҳ ва оила кодекси тасдиқлансин ва у 1969 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2-модда. «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларини тасдиқлаш ҳақида» 1968 йил 27 июнда қабул қилинган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қонунига мувофиқ белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 68-моддасида боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахсни боланинг отаси эканлигини суд йўли билан тан олиш тартиби тўғрисида кўзда тутилган қоида Асослар амалга киритилган вақтдан кейин туғилган болаларга нисбатан, яъни 1968 йил 1октябрдан бошлаб жорий этилади;

б) ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан 1968 йил 1 октябрга қадар туғилган болаларнинг отаси кимлиги боланинг онаси билан ўзини боланинг отаси эканлигини тан олувчи шахснинг биргаликда берган аризасига биноан Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 67-моддасида белгиланган тартибда аниқланиши мумкин. Бола ўз қарамоғида бўлган ва ўзини боланинг отаси эканлигини тан олган шахс башарти вафот этган тақдирда, унинг оталигини тан олиш факти суд йўли билан белгиланиши мумкин. Ота билан онанинг биргаликда берган аризаси ёки суднинг оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорига асосланиб, гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида шу ҳақда тегишинча қайд қилинади ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасига эта ҳақида ёзув киритилади.

Вояга етган шахсларнинг отаси кимлиги фақат шу шахслар розилигига қараб белгиланади;

в) отасининг кимлиги ушбу модданинг «б» бандида кўзда тутилган тартибда белгиланган болалар ота-она ва уларнинг қариндошларига нисбатан никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар сингари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар;

г) ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан 1968 йил 1 октябрга қадар туғилган боланинг отаси кимлиги туғилишни ёзиш дафтарига-ва бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага шу боланинг онаси берган аризага биноан Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 70-моддаси учинчи қисмида кўзда тутилган тартибда ёзилади;

д) никоҳда бўлмаган онанинг ўзи туққан болани таъминлаш ва тарбиялаш учун қонунда белгиланган давлат нафақасини олиш ҳуқуқи, шунингдек агар боланинг отаси кимлиги Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 67-ҳамда 68-моддаларида кўзда тутилган тартибда белгилаб олинган бўлмаса, шу болани давлат ҳисобидан тўла равишда таъминлаш ва тарбиялаш учун болалар муассасасига жойлаштириш ҳуқуқи сақланиб қолинсин.

3-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига:

а) Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексини амалга киритиш тартибини белгилаб бериш ;

б) мазкур кодекс амалга киритилиши муносабати билан ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон ССР қонун актлари рўйхатини тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 6 июнь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА КОДЕКСИ

Гражданларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини ўзида уйғунлаштирган совет оиласи тўғрисида ғамхўрлик қилиш Совет давлатининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Составига бошқа республикалар билан бир қаторда ихтиёрий ва тенг ҳуқуқлик асосида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси бирлашган Совет Иттифоқида оиланинг мустаҳкамланиши ва равнақи учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Гражданларнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бормоқда, оила турмушининг уй-жой, маиший ва маданий шароитлари яхшиланмоқда. Социалистик жамият оилани муҳофаза қилишга ва рағбатлантиришга, болаларнинг бахтли бўлишини таъминлашга катта эътибор бермоқда.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, унинг жисмоний ва маънавий кучларини ривожлантириш—оиланинг энг муҳим вазифасидир. Давлат ва жамият болаларни тарбиялашда оилага ҳар томонлама ёрдамлашмоқда, болалар боғчалари, яслилар, мактаб-интернатлар ва бошқа болалар муассасалари шохобчалари тобора кенгайтирилмоқда.

Совет аёллари бахтли оналикни ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда янада активроқ ва ижодий қатнашиш билан қўшиб олиб боришлари учун уларга зарур социал-маиший шароитлар яратиб берилмоқда.

Никоҳ ва оила тўғрисидаги совет қонунлари оилавий муносабатларни моддий манфаатларни кўзлашдан тамомила мусаффо қилишга, аёлларнинг турмушдаги тенгсиз аҳволидан қолган сарқитларни йўқотишга ҳамда инсоннинг энг чуқур шахсий ҳис-туйғуларини тўла равишда қондирадиган коммунистик оила вужудга келтиришга актив кўмаклашмоғи лозим.

I бўлим

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила қонунларининг вазифалари.

Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларининг вазифалари:

коммунистик аҳлоқ принципларига асосланган совет оиласини янада мустаҳкамлашдан;

аёл билан эркакнинг ихтиёрий никоҳланиб тузган иттифоқига, моддий манфаатларни кўзлашдан холи бўлган, ўзаро муҳаббат ҳисларига, оила аъзоларининг ҳаммаси бир-бири билан дўст бўлиб, бир-бирини ҳурматлашига асосланган оилавий муносабатлар қуришдан;

оилада болалар тарбиясини ижтимоий тарбия билан узвий равишда қўшиб олиб борган ҳолда уларни Ватанга содиқлик, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ва болаларни коммунистик жамият қуришда актив қатнашишга тайёрлашдан;

она ва бола манфаатларини бутун чоралар билан муҳофаза қилиш ҳамда ҳар бир боланинг бахтиёр ёшлигини таъминлашдан;

Оилавий муносабатларда ўтмишнинг зарарли сарқитларини ва урф-одатларини тамомила йўқотишдан;

оила олдида масъулият ҳиссини тарбиялашдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила қонунлари билан тартибга солинадиган муносабатлар

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР нинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунлари никоҳланиш тартиби ва шартларини белгилайди, оилада эр-хотин ўртасида, ота-она билан болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, никоҳнинг бекор бўлиш тартиби ва шартларини, гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш тартибини йўлга солиб туради.

3-модда. Оилавий муносабатларда хотин билан эрнинг тенг ҳуқуқлилиги

Оилавий муносабатларда хотин билан эр баб-баравар шахсий ва мулкий ҳуқуқларга эгадир.

Оиладаги ҳуқуқий тенглик мамлакатнинг давлат, ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида аёллар билан эркакларнинг СССР Конституциясида ва Ўзбекистон ССР Конституциясида мустаҳкамланган тенг ҳуқуқларига асосланади.

4-модда. Миллати, ирқи ва динга муносабатидан қатъи назар, оилавий муносабатларда гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги

Миллати, ирқи ва динга муносабатидан қатъи назар, оилавий муносабатларда ҳамма гражданлар тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Никоҳланишда ва оилавий муносабатларда миллий, ирқий мансубликка ёки динга муносабатига қараб ҳуқуқларни бевосита ёки бавосита заррача бўлса ҳам чеклашга, бевосита ёхуд бавосита имтиёзлар беришга йўл қўйилмайди.

5-модда. Оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш

Ўзбекистон ССР да оналикни бутун халқ иззат-ҳурматлайди, давлат муҳофаза қилади ва рағбатлантиради.

Она ва бола манфаатларининг муҳофаза қилиниши кўплаб туғруқхоналар, болалар яслилари ва боғчалари, мактаб-интернатлар ва бошқа болалар муассасалари ташкил этиш, аёлларга маоши сақланган ҳолда ҳомиладорлик ва туғиш отпускалари бериш, ҳомиладор хотинларга ва оналарга имтиёзлар белгилаш, ишлаб чиқаришда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ёлғиз ва кўп болали оналарга давлат нафақалари тўлаб туриш, шунингдек давлат ва жамоат томонидан оилага бошқа хил ёрдамлар бериш йўли билан таъминланади.

6-модда. Никоҳ ва оила муносабатларининг давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиниши

Ўзбекистон ССР да никоҳ ва оила муносабатлари фақат давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солинади.

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларида тузилган никоҳгина тан олинади. Диний маросим йўли билан тузилган никоҳ ҳам бошқа диний маросимлар сингари ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Бу қоида гражданлик ҳолати актларини ёзиш совет органлари тузилмасдан ёки қайта тикланмасдан олдин ўтказилган диний маросимларга ҳамда уларни гувоҳлантириб берилган туғилиш, никоҳланиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим тўғрисидаги ҳужжатларга тааллуқли эмас.

2-боб. НИКОҲ ВА ОИЛА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ

7-модда. Никоҳ ва оила тўғрисида қонунлар

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, никоҳ ва оила ҳақидаги қонунлар ўша Асослардан ва унга мувофиқ равишда ССР Иттифоқи томонидан чиқариладиган бошқа қонун актларидан, ушбу Кодексдан ва у асосида чиқариладиган Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актларидан иборат.

Ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССР нинг никоҳ ва оила ҳақидаги бошқа қонунлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига биноан иттифоқдош республикалар ихтиёрига берилган масалаларни ҳамда бевосита Асосларда назарда тутилмаган никоҳ ва оила муносабатларига оид масалаларни ҳал қилади.

8-модда. Ўзбекистон ССР да никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларни татбиқ қилиш

Ўзбекистон ССР да никоҳ тузиш, эр-хотин ўртасидаги ва ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлар, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, алимент ундириш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни тарбияга олиш, никоҳдан ажралиш, гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш ҳақидаги масалалар Ўзбекистон ССР-нинг қонунлари билан тартибга солинади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, бошқа иттифоқдош республикаларда тузилган никоҳнинг, фарзандликка олишнинг, васийлик ва ҳомийлик белгилашнинг, болаларни тарбияга олишнинг ҳамда гражданлик ҳолати актларининг ҳақиқийлиги — никоҳланган, фарзандликка олинган, васийлик ёки ҳомийлик белгиланган, болалар тарбияга олинган ёхуд гражданлик ҳолати акти қайд қилинган территориядаги иттифоқдош республика қонунлари билан белгиланади.

3-боб. НИКОҲ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ДАЪВО МУДДАТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

9-модда. Даъво муддатини татбиқ қилиш

Никоҳ ва оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талабларга, бузилган ҳуқуқни ҳимоя этиш учун ушбу кодексда муддат белгиланганидан бошқа ҳолларда, даъво муддати татбиқ қилинмайди.

10-модда. Даъво муддати ўтишининг бошланиши

Даъво муддатининг ўтиши ушбу Кодекснинг тегишли моддасида белгиланган вақтдан, агар бу вақт кўрсатилмаган бўлса, шахснинг ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошланади.

11-модда. Даъво муддатини татбиқ қилиш тартиби

Даъво муддатларини белгиловчи нормаларни татбиқ қилишда суд Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг олтинчи бобида белгиланган қоидаларга амал қилади.

12-модда. Муддатларни ҳисоблаш

Ушбу Кодексда кўрсатилган муддатларни ҳисоблашда Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг еттинчи бобида белгиланган қоидалар татбиқ қилинади.

II бўлим

НИКОҲ

4-боб. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

13-модда. Никоҳ тузиш.

Никоҳ гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларида тузилади.

14-модда. Никоҳни қайд қилишнинг ҳуқуқий аҳамияти

Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида қайд қилинади.

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларида тузилган никоҳгина эр билан хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради.

Миллий давлат чегараланиши вақтида Ўзбекистон ССР га қўшилган собиқ Бухоро ва Хоразм Совет Халқ Республикалари территориясида 1928 йил 1 октябрга қадар ва Ўзбекистон ССР территориясининг бошқа қисмларида эса — 1917 йил 20 декабрга қадар диний маросимлар бўйича тузилган никоҳ гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларида қайд қилинган никоҳга тенглаштирилади.

15-модда. Никоҳни қайд қилиш муддати

Никоҳ уни тузишни истаганлар гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органига ариза берганларидан кейин бир ой муддат ўтгач тузилади.

Узрли сабаблар бўлганда, никоҳланувчиларнинг илтимосига мувофиқ, меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Советининг ижроия комитети гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлимининг мудири, қишлоқ (овул), посёлкаларда эса—тегишлича меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ёки посёлка Совети ижроия комитетининг раиси бу муддатни қисқартириши мумкин.

16-модда. Никоҳни тантанали вазиятда тузиш

Никоҳ тантанали вазиятда тузилади. Гражданлик ҳолати актларини ёзиш органлари никоҳланаётган шахсларнинг розилиги билан, никоҳнинг тантанали вазиятда қайд қилинишини таъминлайдилар.

17-модда. Никоҳ тузиш шартлари

Никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари ва уларнинг никоҳ ёшига етган бўлишлари шарт.

Никоҳ ушбу Кодекснинг 19-моддасида кўрсатилган ҳоллар бўлганида тузилиши мумкин эмас.

18-модда. Никоҳ ёши

Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, қизлар учун 17 ёш белгиланади.

19-модда. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳоллар

Никоҳ тузишга:

лоақал биттаси ҳозир бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

бир насл-насаб чизиғи бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олганлар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоақал биттаси руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб танилганлар ўртасида йўл қўйилмайди.

5-боб. ЭР-ХОТИННИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

20-модда. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши

Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳ гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида қайд қилинган вақтдан бошлаб вужудга келади.

21-модда. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги

Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва баб-баравар мажбуриятларга эгадир.

22-модда. Эр-хотиннинг фамилияси

Никоҳ тузиш вақтида эр-хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаши ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

23-модда. Болалар тарбияси ва оилавий турмуш масалаларини эр-хотин биргаликда ҳал қилиши

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр-хотин биргаликда ҳал қилади.

24-модда. Эр-хотиннинг машғулот, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари

Эр-хотиннинг ҳар бири машғулот, касб ва турар жой танлашда эркиндир.

25-модда. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки

Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари — уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр-хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлгани ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақига эга бўлмаган тақдирда ҳам, эр-хотин ўша мулкка нисбатан баб-баравар ҳуқуққа эга бўлади.

Никоҳ давомида орттирилган мулк, гарчи эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган бўлса ҳам эр-хотиннинг ҳар иккаласига тегишли ҳисобланади.

26-модда. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини тасарруф қилиши

Эр ва хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилишда тенг ҳуқуққа эга.

Эр-хотиндан бири биргаликдаги умумий мулк бўлган уй-жой ва автомашинани бошқа шахсларга ўтказганда, иккинчисининг бунга розилиги ёзма формада ифодаланиши шарт.

27-модда. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиш

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлинганида уларнинг ҳиссалари тенг ҳисобланади. Айрим ҳолларда, суд вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга сазовор манфаатларини ҳисобга олиб, эр-хотинга тегишли ҳиссани тенг қилиб белгиламаслиги ҳам мумкин. Эр-хотиндан бирининг ҳиссаси алоҳида ҳолларда, жумладан, эр ёки хотин ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлаган ёхуд умумий мулкни оила манфаатларига зид тарзда сарфлаганида кўпайтирилиши мумкин.

Мулкни бўлишда суд эр-хотиннинг ҳар бирига қандай буюмлар берилиши кераклигини белгилайди. Агар эр-хотиндан бирига унга тегишли ҳиссадан ошиқроқ қийматга эга бўлган буюм бериладиган бўлса, иккинчисига тегишли ҳиссанинг фарқи пул баравариda ундирилиши мумкин.

Никоҳдан ажралган эр-хотиннинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаблари учун уч йиллик даъво муддати белгиланади.

28-модда. Кредит муассасаларига қўйилган омонатларга эр-хотиннинг ҳуқуқлари

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлишда, Давлат меҳнат омонат кассасига ёки СССР Давлат банкига эр-хотиндан бирининг номига қўйилган омонатлар, суд томонидан эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига жамғарилган деб топилган тақдирдагина, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб ҳисобланиши мумкин.

29-модда. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки, шунингдек никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари уларнинг ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг бирига никоҳга қадар тегишли бўлган ёки никоҳ давомида ҳадя ёхуд мерос тарзида олган уй-жой, никоҳ давомида эр-хотиндан бирининг ёки иккаласининг маблағлари ҳисобига капитал ремонт қилинганлиги, қўшиб қурилганлиги ёки қайта қурилганлиги суд томонидан аниқланган тақдирдагина, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб ҳисобланиши мумкин.

30-модда. Эр ва хотиннинг шахсий фойдаланишидаги буюмлар

Шахсий фойдаланишдаги қимматли ва зебу-зийнат, ҳашамат ашёларидан бошқа буюмлар (кийим-бош, оёқ кийим ва шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам улардан фойдаланиб келган эр ёки хотиннинг шахсий мулки ҳисобланади.

31-модда. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулкини тасарруф қилиши

Эр-хотиннинг ҳар бири ўзига шахсан тегишли мулкни мустақил равишда эгаллайди, фойдаланади ва тасарруф қилади.

32-модда. Колхоз хонадони аъзоси бўлган эр-хотиннинг мулкка бўлган ҳуқуқлари

Ушбу Кодекснинг 25-31 моддаларидаги қоидалар Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 125-моддасига биноан колхоз хонадонининг аъзолари бўлган эр-хотиннинг фақат шахсий мулки ҳисобланган мулкларга нисбатан татбиқ қилинади.

Эр-хотиннинг колхоз хонадони мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 138—145-моддалари билан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари якка деҳқон хўжалигининг аъзолари бўлган эр-хотиннинг мулкларига ҳам татбиқ қилинади.

33-модда. Эр-хотиннинг мулкидан ҳақ ундириш

Эр-хотиндан бирининг мажбурияти учун ҳақ унинг ўз шахсий мулкидан ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлинганда унга тегиши эҳтимол бўлган ҳиссадан ундирилиши мумкин.

Агар эр-хотиндан бирининг мажбурияти бўйича олинган маблағ оиланинг умумий манфаатлари учун фойдаланилгани суд томонидан аниқланса, бу мажбурият бўйича эр-хотин биргаликдаги умумий мулклари билан жавоб берадилар.

Эр-хотиндан бирининг жиноий ҳаракати натижасида келтирилган зарар эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкидан, агар бу мулк жиноий йўл билан топилган маблағ ҳисобига олингани ёки ўша маблағ ҳисобига кўпайгани жиноят иши бўйича суд ҳукми билан аниқланган бўлса, ундирилиши мумкин.

34-модда. Эр ва хотиннинг ўзаро мулкий шартнома муносабатлари

Эр-хотин ўзаро қонун йўл қўйган барча мулкий шартнома муносабатларда бўлишга ҳақлидир.

Эр-хотин ўртасида тузилган битимлар, улардан бирининг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланмайди.

35-модда. Эр ва хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбуриятлари

Эр ва хотин бир-бирига моддий ёрдам бериб туришга мажбур. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, моддий ёрдамга муҳтож бўлган меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин таъминот (алимент) беришга қодир бўлган хотини ёки эридан, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида нафақа беришга қодир бўлган эридан суд орқали таъминот олиш ҳуқуқига эга. Никоҳдан ажралгандан кейин ҳам бу ҳуқуқ сақланиб қолади

36-модда. Эр-хотиннинг никоҳдан ажралгандан кейин бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи

Никоҳдан ажралгандан кейин бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган муҳтож эр ёки хотин никоҳдан ажралгандан кейин ҳам таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Эр билан хотиннинг никоҳ муносабатлари узоқ вақт давом қилган бўлса, эр ёки хотин никоҳдан ажралган вақтдан бошлаб беш йил мобайнида пенсия ёшига етган тақдирда ҳам, суд никоҳдан ажралган мазкур эр ёки хотин фойдасига алимент ундириб беришга ҳақли.

Агар хотин никоҳ бекор бўлишига қадар ҳомиладор бўлган бўлса, у ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил давомида эридан таъминот олиш ҳуқуқини сақлайди.

37-модда. Эр-хотинга бериладиган таъминот миқдорини белгилаш

Эр ёки хотинга бериладиган таъминот маблағининг миқдори суд томонидан таъминот тўловчининг ва олувчининг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Суд хотинга ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил давомида ундириладиган таъминот миқдорини белгилашда ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам ҳисобга олади.

Эр-хотиндан бирининг моддий ва оилавий аҳволи ўзгарган ҳолда, улардан ҳар бири алимент миқдорини ўзгартиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

38-модда. Эр ёки хотинни таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёхуд бу мажбуриятни муддат билан чеклаш

Суд қуйидаги ҳолларда эр ёки хотиннинг талабига кўра уни муҳтож бўлган меҳнатга лаёқатсиз хотини ёки эрига таъминот бериб туришдан озод қилиш ёхуд унинг бу мажбуриятини маълум муддат билан чеклаб қўйиши мумкин:

1) агар эр-хотин никоҳда қисқа вақт турган бўлсалар;

2) агар никоҳ ўзига таъминот учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг номуносиб хулқ-атвори натижасида бекор бўлган тақдирда;

3) агар ўзига таъминот учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотин спиртли ичимликларни, кайф берадиган моддаларни суиистеъмол қилганлиги ёки жиноят қилганлиги натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган бўлса.

39-модда. Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқининг тугаши

Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи, ушбу Кодекснинг 35 ва 36-моддаларида белгиланган таъминот олиш учун асос бўлган шартлар тугаган тақдирда, шунингдек никоҳдан ажралган, ёрдамга муҳтож бўлган меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганда тугайди.

Бу ҳолларда, агар таъминот учун маблағ суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилаётган бўлса, уни тўлашга мажбур эр ёки хотин алиментни бундан буён тўлашдан озод этиш ҳақида талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6-боб. НИКОҲНИНГ БЕКОР БУЛИШИ

40-модда. Эр-хотиндан бирининг ўлиши ёки ўлган деб эълон қилиниши туфайли никоҳнинг бекор бўлиши

Эр-хотиндан бирининг ўлиши ёки суд тартибида ўлган деб эълон қилиниши билан никоҳ бекор бўлади.

41-модда. Эр-хотиннинг ҳаётлигида никоҳнинг бекор қилиниши

Эр-хотиннинг ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

42-модда. Никоҳдан ажралиш тартиби

Никоҳдан суд тартибида, ушбу Кодекснинг 51 ва 52-моддаларида кўрсатилган ҳолларда эса — гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида ажратилади.

43-модда. Эрнинг никоҳдан ажралиш ҳақидаги талабини ман этадиган ҳоллар

Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр никоҳдан ажралиш тўғрисида хотиннинг розилигисиз иш қўзғатишга ҳақли эмас.

44-модда. Никоҳдан судда ажралиш

Никоҳдан ажралиш ишлари судда Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексидаги даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Суд эр-хотинни яраштириш чораларини кўради. Суд, ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат белгилашга ҳақли. Суд зарур ҳолларда жамоат ташкилотларининг ва меҳнаткашлар коллективининг вакилларини суд ишида иштирок этишларига рухсат бериши мумкин.

45-модда. Никоҳни суд томонидан бекор қилиш асослари

Суд, агар эр билан хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, никоҳдан ажратади.

46-модда. Никоҳдан ажратишда вояга етмаган болаларнинг ва меҳнатга лаёқатсиз эр-хотиннинг манфаатларини ҳимоя қилиш

Суд никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган пайтда, зарур ҳолл.рда, вояга етмаган болаларнинг ва меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

47-модда. Никоҳдан ажратишда болаларни таъминлаш ҳақидаги низони ҳал қилиш

Никоҳдан ажралгандан кейин эр-хотин ўртасида болалар қайси бирлари билан туриши ва болаларнинг таъминоти учун қанча миқдорда маблағ тўлаш ҳақида низо бўлса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни ҳал қилиш билан бирга, суд болалардан қайси бири ота-онанинг қай бири билан қолиши, шунингдек болаларнинг таъминоти учун ота-оналарнинг қайси биридан қанча миқдорда алимент ундириш масалаларини ҳам ҳал қилишга мажбур.

Бу ҳолларда ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши лозим.

48-модда. Никоҳдан ажратишда эр ёки хотинга таъминот учун маблағ ундириш.

Суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш билан бирга, бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган эр ёки хотиннинг илтимосига кўра, эр ёки хотиндан ундириладиган таъминот миқдорини белгилаши лозим.

49-модда. Никоҳдан ажратишда эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиш

Суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш билан бирга эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг илтимосига кўра, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиб бериши лозим.

Агар мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаати билан даҳлдор бўлса, мулкни бўлиш ҳақидаги низо никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш билан бир вақтда ҳал қилиниши мумкин эмас.

50-модда. Суднинг никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришда давлат пошлинаси миқдорини белгилаши

Суд никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришда, ажралиш тўғрисида гувоҳнома бераш вақтида эр-хотиннинг ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган 50 сўмдан 200 сўмгача бўлган давлат пошлинасининг миқдорини белгилайди. Агар суд бу пошлинани эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундиришни лозим топса, бундай ҳолда уларнинг ҳар қайсиси тўлайдиган пошлина миқдорини белгилайди.

51-модда. Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганида гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлсалар, никоҳдан гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида ажратилади. Бундай ҳолларда, эр-хотин бир-биридан ажралиш тўғрисида ариза берган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин ажралиш расмийлаштирилади ва эр-хотинга никоҳдан ажралганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА КОДЕКСИ

(Боши иккинчи бетда).

Бу ҳолларда никоҳдан ажралишни қайд қилиш учун 50 сўм миқдорида давлат пошлинаси олинади.

Агар эр-хотин ўртасида муҳтож бўлган меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинга таъминот тўлаш ҳақида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиш ҳақида низо бўлса, эр-хотин ёхуд улардан бири никоҳдан ажратиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

52-модда. **Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш**

Қонун билан белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб танилганлардан;

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб танилганлардан;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлардан гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, биргаликдаги умумий мулкни бўлиш ҳақида ёхуд муҳтож бўлган меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо бўлса никоҳдан суд орқали ажратилади.

Бу ҳолларда никоҳдан ажралишни қайд қилиш учун 50 тийин миқдорида давлат пошлинаси олинади.

53-модда. **Никоҳдан ажралишда эр-хотиннинг фамилиясининг ўзгариши**

Никоҳ тузган вақтда ўз фамилиясини бошқа фамилияга ўзгартирган эр ёки хотин, никоҳдан ажралгандан кейин ҳам ўша фамилияда қолишга ҳақли ёки унинг талабига мувофиқ унга никоҳгача бўлган фамилияси берилади.

Никоҳ суд тартибида тугатилганда суд ажралаётган эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳгача бўлган фамилиясини, уларнинг хоҳишига кўра, бериши керак.

Никоҳ гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида бекор қилинса, ажралаётган эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳгача бўлган фамилиясини, уларнинг хоҳишига кўра, гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи беради.

54-модда. **Никоҳнинг бекор бўлиш вақти**

Ажралишни гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида қайд қилинган вақтдан бошлаб никоҳ бекор бўлган ҳисобланади.

55-модда. **Никоҳнинг бекор бўлиш оқибатлари**

Никоҳ бекор бўлиши билан эр-хотиннинг, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, барча шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари тугайди.

56-модда. **Ўлган деб эълон қилинган ёхуд бедарак йўқолган деб танилган эр ёки хотин қайтиб келганида никоҳни тиклаш**

Қонун билан белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилинган эр ёки хотин қайтиб келганида ҳамда уни ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда, унинг эри ёки хотини янги никоҳга кирмаган бўлса, никоҳ тикланган ҳисобланади.

Қонун билан белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб танилган эр ёки хотин қайтиб келганда, агар шу асосда гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи ёки суд томонидан никоҳ бекор қилинган бўлса, суднинг уни бедарак йўқолган деб таниш тўғрисида ҳал қилув қарори бекор қилингач, гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи эр ва хотиннинг биргаликда берган аризасига мувофиқ никоҳни тиклайди, агар суд томонидан никоҳдан ажратилган бўлса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини уларнинг берган аризасига мувофиқ суд бекор қилади.

Агар бедарак йўқолган деб танилган шахснинг эри ёки хотини бошқа никоҳга кирган бўлса, никоҳнинг тикланиши мумкин эмас.

7-боб. ҲАҚИҚИЙ БЎЛМАГАН НИКОҲ

57-модда. **Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш асослари**

Ушбу Кодекснинг 17—19-моддаларида белгиланган шартларни бузиб, шунингдек оила қуриш мақсадини кўзламай қайд қилинган никоҳ (сохта никоҳ) ҳақиқий эмас деб танилиши мумкин.

58-модда. **Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш тартиби**

Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорининг нусхаси суд томонидан никоҳ қайд қилинган жойдаги гражданлик ҳолати актларини ёзиш органига юборилади.

59-модда. **Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш**

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ушбу Кодекс 18-моддасининг иккинчи қисмидаги талабларга риоя қилинмай тузилган никоҳ, никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳоллардагина ҳақиқий эмас деб танилиши мумкин.

Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб танишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-оналари ёки васийси ёхуд ҳомийси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир.

Никоҳ ёшига етмаган эр ёки хотин ишни ҳал қилиш пайтигача никоҳ ёшига етган бўлса, у ҳолда никоҳ фақат унинг талаби билангина ҳақиқий эмас деб танилиши мумкин.

Эр-хотиннинг бири никоҳ ёшига етмаганлиги туфайли никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўрилади.

60-модда. **Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳоллар мавжуд бўлганда никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш**

Ушбу Кодекснинг 19-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб танилиши мумкин.

Агар ишни ҳал қилиш пайтигача никоҳни тузиш учун монелик қиладиган ҳоллар тугаган бўлса, суд никоҳни ўша ҳоллар тугаган пайтдан бошлаб ҳақиқий деб танишга ҳақли.

Бу асослар бўйича никоҳни ҳақиқий эмас деб танишни эр-хотин, мазкур никоҳнинг тузилиши натижасида ҳуқуқлари бузилган шахслар, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақли.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомилага лаёқатсиз деб танилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўрилади.

61-модда. **Зўрлаш натижасида тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш**

Зўрлаш натижасида тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб танилиши мумкин.

62-модда. **Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш**

Эр-хотин сохта никоҳни қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

Никоҳнинг сохта бўлгани учун ҳақиқий эмас деб таниш ҳақида прокурор талаб қилишга ҳақли. Эр-хотиндан бири оила қуриш мақсадисиз никоҳга кирган ҳолларда эса, бундай талаб унинг хотини ёки эри томонидан қилиниши мумкин.

63-модда. **Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш вақти**

Суд томонидан ҳақиқий эмас деб танилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

64-модда. **Никоҳни ҳақиқий эмас деб танишнинг оқибатлари**

Ҳақиқий эмас деб танилган никоҳ эр-хотин учун ушбу Кодексда белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб танилган шахсларнинг мулкий муносабатлари Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси билан тартибга солинади.

Агар эр-хотиндан бири иккинчисидан ўзининг никоҳда турганини яширган бўлса ёки уни никоҳга киришга мажбур қилган бўлса, никоҳ ҳақиқий эмас деб танилгандан кейин суд ундан ҳақиқий бўлмаган никоҳда турган шахснинг таъминоти учун ушбу Кодекснинг 35—39-моддаларига биноан маблағ ундириб беришга, шунингдек никоҳ ҳақиқий эмас деб танилганига қадар уларнинг бирга турган вақтларида жамғарган мулкларига ушбу Кодекснинг 25—31-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ қилишга ҳақли.

Алимент талаб қилаётган шахснинг меҳнат қобилияти, ҳақиқий эмас деб танилган никоҳда турган вақтида йўқолган ҳоллардагина, унга алимент олишга ҳуқуқ берилиши мумкин.

Никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳоллар борлигини билмаган эр ёки хотин никоҳ тузиш вақтида танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш, шу никоҳдан туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

III бўлим

ОИЛА

8-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

65-модда. **Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг келиб чиқиш асослари**

Ота-она ва болаларнинг бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари болаларнинг қонунда белгиланган тартибда гувоҳлантирилган насабига асосланади.

66-модда. **Ўзаро никоҳда турган ота-онадан туғилган боланинг насабини белгилаш**

Ўзаро никоҳда турган ота-онадан туғилган боланинг насаби ота-онанинг никоҳ ҳақидаги ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

67-модда. **Боланинг насабини ота-онанинг биргаликдаги аризалари асосида белгилаш**

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг насаби отаси ва онасининг гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларига биргаликда берган аризаси билан белгиланади.

68-модда. **Оталикни суд тартибида белгилаш**

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси бўлмаса, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васий ёхуд ҳомийсининг даъвосига мувофиқ, вояга етган шахсларга нисбатан эса, унинг розилиги билан, онаси ўлган ҳолда эса — унинг ўз даъвосига мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлигини ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи далилларни эътиборга олади.

69-модда. **Оталикни белгилаш оқибатлари**

Насаби ота-оналарнинг биргаликдаги аризалари ёки суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланган болалар ҳам, ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар каби ўз ота-оналарига ва уларнинг қариндошларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

70-модда. **Туғилишни қайд қилиш дафтарига ота-оналарни ёзиш**

Ўзаро никоҳда бўлган ота ва она туғилишни қайд қилиш дафтарига улардан бирининг берган аризасига биноан боланинг ота-онаси деб ёзилади.

Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг онаси кимлиги онанинг аризасига биноан ёзилади, отасининг кимлиги эса — боланинг отаси билан онаси биргаликда берган аризага биноан ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Боланинг онаси вафот қилган тақдирда, шунингдек онанинг турар жойини аниқлаш мумкин бўлмаганида, боланинг отаси кимлиги отанинг берган аризасига биноан ёзилади.

Никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганида, агар ота-онанинг биргаликда берган аризаси ва боланинг отасини белгилаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бўлмаса, туғилишни қайд қилиш дафтарида боланинг отаси ҳақидаги маълумот—онанинг фамилиясига қараб ёзилади, боланинг отасининг исми ва унинг ота исми эса — онанинг кўрсатиши бўйича ёзилади.

Агар боланинг ота ва онаси номаълум бўлса, унинг онаси ва отаси тўғрисидаги ёзувлар васийлик ва ҳомийлик органининг кўрсатувига асосан ёзилади.

71-модда. **Оталик (оналик) тўғрисида низолашиш**

Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтаридаги туғилиш ҳақидаги ёзув, боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигининг тасдиқловчи далил ҳисобланиб, гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтарига боланинг ота (она)си сифатида ёзилган шахс, бу ёзув ҳақида билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб бир йил давомида суд тартибида низолашиши мумкин.

9-боб. ОТА-ОНАЛАР ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

72-модда. **Ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг амалга оширилиши**

Ота-она ўз болаларини коммунизм қурувчисининг аҳлоқ кодекси руҳида тарбиялаши, уларнинг жисмоний ўсишлари, илм олишлари ва ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрланишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқи болаларнинг манфаатларига хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

73-модда. **Ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги**

Ота билан она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Ота билан она ўртасидаги никоҳ бекор бўлганида ҳам, улар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эгадирлар.

74-модда. **Ота-оналарнинг вояга етмаган болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятлари**

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ота-оналар зиммасида бўлади.

Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча муассасаларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

75-модда. **Ота-она билан болаларнинг бир-бирларига ёрдам бериш мажбуриятлари**

Ота-она билан болалар бир-бирларига маънавий ва моддий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар.

76-модда. **Болаларнинг фамилияси**

Ота-она бир фамилияда бўлса, болаларга ҳам ота-онанинг фамилияси берилади. Агар ота-она бир фамилияда бўлмаса, у ҳолда ота ва онанинг ўзаро келишувига қараб, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Бундай келишув бўлмаган ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг фамилиясини отаси ёки онасининг фамилиясига қараб белгилайди.

Никоҳнинг бекор бўлиши, болаларнинг фамилияларини ўзгаришига сабаб бўлмайди. Ажралишдан ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб танилганидан кейин болани ўз тарбиясида олиб қолган ота ёки она, унга ўз фамилиясини беришни хоҳласа, бу масалани васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатини кўзлаб ҳал қилади.

Ўн ёшга тўлган боланинг фамилиясини ўзгартиришда унинг хоҳиши ҳисобга олинади.

77-модда. **Боланинг исми ва отасининг исми (отчество)**

Болага исм ота-онанинг келишуви билан қўйилади, отасининг исми—отанинг исми бўйича, ушбу Кодекс 70-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда эса—боланинг отаси деб ёзилган шахснинг исми бўйича ёзилади.

Болаларга исм беришга оид ота-она ўртасидаги келишмовчилик васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал қилинади.

78-модда. **Болалар тарбияси масаласини ҳал қилишда ота-онанинг ўзаро келишуви зарурлиги**

Болалар тарбиясига оид ҳамма масалалар ота билан онанинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади. Ота билан она ўртасида келишув бўлмаса, низоли масала васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ушбу Кодекс 80-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда — суд томонидан ота-онанинг иштирокида ҳал қилинади.

79-модда. **Ота-она бошқа-бошқа турганларида вояга етмаган болаларнинг турар жойи**

Ота-она бошқа-бошқа турганларида вояга етмаган болаларининг ким билан туришлиги ота-онанинг келишувига қараб белгиланади. Ота-она ўртасида бу масалада келишув бўлмаганида, низо суд томонидан болаларнинг манфаатларини ҳисобга олиниб ҳал қилинади.

Суд боланинг ёши ва ўсишини ҳисобга олиб, унинг ота-онасидан қайси бири билан қолиш истаги борлигини аниқлайди. Лекин боланинг истаги, агар суд уни боланинг манфаатларига мос келмайди деб топса, мажбурий эмас.

80-модда. **Алоҳида турадиган ота ёки онанинг бола тарбиясида иштирок этиш ва у билан кўришиб туриш ҳуқуқи**

Боладан алоҳида турадиган ота ёки она болани таъминлаш ва уни тарбиялашда иштирок этаолади ва у билан кўришиб туришга ҳақли. Бола билан бирга турадиган ота ёки она бошқа турадиган ота ёки онанинг бола билан кўришиб туришига ва уни тарбиялашда иштирок қилишига қаршилик кўрсатишга ҳақли эмас.

Болалар билан учрашиш тартиби юзасидан, шунингдек уларни тарбиялашда иштирок этиш юзасидан ота-оналар ўртасидаги келишмовчилик васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-онанинг иштирокида ҳал қилинади. Алоҳида турадиган ота-онанинг бола билан кўришиб туриши боланинг нормал тарбияланишига халақит бериши ҳамда унга зарарли таъсир қилиши мумкин бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи бундай ота ёки онани маълум вақтга боласи билан учрашиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақли.

Ота ёки она васийлик ва ҳомийлик органининг талабини бажармаса, алоҳида турувчи ота ёки она низони ҳал қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

81-модда. **Бобо ва бувининг ўз невараси билан кўришиб туриш ҳуқуқи**

Бобо ва буви ўз невараси билан кўришиб туришга ҳақли. Ота-оналар бобо ва бувига ўз неваралари билан кўришиб туришга имконият бермасалар, агар бу болаларнинг нормал тарбияланишига халақит бермаса ҳамда уларга зарарли таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органи, шу органлар белгилаган тартибда бобо ва бувига уларнинг неваралари кўрсатишга ота-онани мажбур қилиши мумкин.

82-модда. **Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш**

Ота-она вояга етмаган болаларини қонунга ёхуд суд қарорига асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир. Низо чиққан тақдирда, ота-она судга мурожаат қилишга ҳақли. Бу низони ҳал қилишда суд ишни ҳар сафар болалар манфаатини кўзлаб ҳал қилади.

Агар суд, болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига хилоф деган хулосага келса, бундай даъвони рад қилиши мумкин.

Агар ота-оналар ҳам, бола ўз ихтиёрларида бўлган шахслар ҳам, унга тарбия беришни таъминлай олмайдилар деб топилса, суд болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради.

83-модда. **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш**

Ота-она ёки улардан бири болаларни тарбиялашга доир мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётганлиги ёки ўз ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётганлиги, болалари билан шафқатсиз муомалада бўлаётганлиги ва ўзининг аҳлоқсизлиги, жамиятга зид хулқ-атвори билан болаларга зарарли таъсир ўтказаётганлиги аниқланса, шунингдек ота-она ичкиликбозликка ёхуд гиёвонликка муттасил берилиб кетган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

84-модда. **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатлари**

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она ўша болаларига нисбатан туғишганлик фактига асосланган ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум бўладилар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларни таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

85-модда. **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишларини кўриш тартиби**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар давлат ёки жамоат ташкилотларининг, ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси ёхуд ҳомийсининг аризасига, шунингдек прокурорнинг даъвосига биноан кўрилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни прокурор иштирокида кўради.

86-модда. **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг болаларини жойлаштириш**

Ота-онанинг иккови ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топширилади.

87-модда. **Ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан болаларини олиш**

Агар суд, болани ота-онаси ихтиёрида қолдириш бола учун хавфли деб топса, ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш-қилинмаслигидан қатъи назар, васийлик ва ҳомийлик органининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ота-оналардан бирининг ёхуд прокурорнинг даъвосига мувофиқ болани олиш ҳамда уни васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топшириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

88-модда. **Болани олиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш**

Болани ота-онаси ёки бошқа шахслардан олиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини суд ижрочиси васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида ижро этади.

89-модда. **Болани вақтинча олиш**

Алоҳида ҳолларда, боланинг ҳаёти ёки соғлиғи бевосита хавф остида қолганда, васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онасидан ёки бола ўз ихтиёрида бўлган бошқа шахслардан, судда иш ҳал қилинганига қадар, вақтинча олиб туриш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

Васийлик ва ҳомийлик органи, бундай қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечикмай, болани олиш ҳақида судда иш қўзғатишга мажбур.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида суд низо ҳал қилингунича қадар боланинг қаерда бўлишини ҳал қилиши лозим.

90-модда. **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онани турар жойидан кўчириш**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она бола билан бирга турса ва социалистик жамиятда яшаш қоидаларини системали равишда бузаётган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи ота ёки онадан бири, васий ёки ҳомий бундай ота ёки онани Ўзбекистон ССР Гражданлик Кодексининг 368-моддасига биноан турар жойидан кўчириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

91-модда. **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг болалари билан кўришиши**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг боласи билан кўришиши болага зарарли таъсир этмайдиган бўлса, ота-онанинг илтимосига кўра васийлик ва ҳомийлик органи уларга болалари билан кўришишга рухсат бериши мумкин.

92-модда. **Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш**

Боланинг манфаатлари талаб қилса ва бола фарзандликка олинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини суд тартибида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахс ёки прокурор даъвоси билан тиклашга йўл қўйилади.

Суд барча ҳолларда ҳам, даъвогарнинг ота ёки оналик ҳуқуқини тиклаш мумкинлиги ҳақида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота ёки онанинг фикрини аниқлашга мажбур.

93-модда. **Болани ота-онасига қайтариш**

Болага унинг ота-онаси томонидан тегишли тарбия бериш учун монелик қиладиган ҳолатлар тугаган бўлса, боланинг манфаатларини ҳисобга олиб, суд ота-онанинг даъвосига мувофиқ болани уларга қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

94-модда. **Болалар ҳақидаги низоларни ҳал қилишда васийлик ва ҳомийлик органининг иштироки**

Суд болалар ҳақидаги ҳар қандай низоларни ҳал қилишда ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органини жалб этиши лозим.

Васийлик ва ҳомийлик органи, судда иш кўрилгунга қадар, болани ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахсларнинг турмуш шароитларини текшириши ва судга ўз хулосасини бериши лозим.

10-боб. ОТА-ОНАЛАР ҲАМДА БОЛАЛАРНИНГ АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

95-модда. **Ота-онанинг ўз болаларини таъминлаш мажбурияти**

Ота-она вояга етмаган болаларига, шунингдек вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришга мажбурдир.

96-модда. **Вояга етмаган болалар учун ундириладиган алимент миқдори**

Вояга етмаган болалар учун уларнинг ота-оналаридан алиментлар ота-онанинг иш ҳақи (даромади)дан бир бола учун—тўртдан бир қисми, икки бола учун—учдан бир қисми, уч ва ундан кўп бола учун—ярмиси миқдорида ундирилади.

97-модда. **Болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент ундириш**

Болалар муассасаларига жойлаштирилган болаларнинг таъминот харажатлари болаларнинг ота-онасидан ушбу Кодекснинг 96-моддасида белгиланган миқдорда ўша муассасалар фойдасига ундирилиши мумкин.

98-модда. **Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш**

Алимент тўлашга мажбур ота ёки онанинг вояга етмаган бошқа болалари бўлиб, ушбу Кодекснинг 96-моддасида белгиланган миқдордаги алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган вояга етмаган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлсалар, шунингдек алимент ундирилаётган ота ёки она биринчи ёки иккинчи группа инвалиди бўлса ёхуд болалар ишлаб турган ва етарли иш ҳақига эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар болалар давлатнинг ёки жамоат ташкилотларининг тўлиқ таъминотида бўлсалар, суд алимент миқдорини камайтиришга ёки уни тўлашдан озод қилишга ҳақли.

Алимент миқдорини камайтиришга ёки уни тўлашдан озод қилишга асос бўлган ҳолатлар тугаганда, ўз қарамоғида вояга етмаган болалар бўлган шахс алиментларни ушбу Кодекснинг 96-моддасида кўрсатилган миқдорда ундириш ҳақида талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

99-модда. **Болаларнинг таъминоти учун қўшимча харажатлар**

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаётган ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир касал бўлиши, майиб бўлиб қолиши ва шу кабилар) натижасида қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин.

Бундай харажатларда иштирок этиш миқдори, ота-онанинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, қатъий суммада белгиланади.

100-модда. **Алиментларни ушлаб қолишда ҳисобга олиниши лозим бўлган иш ҳақи (даромад)нинг турлари**

Алиментларни ушлаб қолишда ҳисобга олиниши лозим бўлган иш ҳақи (даромад)нинг турлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

101-модда. **Болалар таъминоти учун пул билан тўланадиган қатъий суммада алимент ундириш**

Алимент тўлашга мажбур бўлган ота ёки онанинг иш ҳақи ёки даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёки у иш ҳақи ёхуд даромаднинг бир қисмини натура тарзида олса, шунингдек ота-онанинг иш ҳақи (даромади)га нисбатан ҳиссалик алимент ундириш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган бошқа айрим ҳолларда, вояга етмаган болалар таъминоти учун маблағ тўлашни талаб қилувчи шахснинг илтимосига кўра, алиментлар ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Мазкур сумманинг миқдори суд томонидан ота ёки онанинг таҳмин қилинган иш ҳақи ёки даромадига қараб, ушбу Кодекснинг 96—98-моддаларида баён қилинган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Агар ота-онанинг ҳар иккаласи қарамоғида ҳам вояга етмаган болалар қолган бўлсалар, ота-онанинг биридан камроқ таъминланган иккинчисининг фойдасига алимент суд томонидан ушбу Кодекснинг 96-моддасида белгиланган миқдорда, ота-онанинг моддий ва оилавий аҳволига қараб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

102-модда. **Томорқа еридаги хўжаликдан даромад олувчи шахслардан алимент ундириш**

Вояга етмаган болалар учун алимент тўлаётган ота-она томорқа еридаги ёрдамчи хўжалигидан қўшимча даромад олса, унинг иш ҳақи (даромади)дан ушбу Кодекснинг 96-моддасида белгиланган миқдорда алимент олишдан ташқари ҳар ойда тўланадиган муайян пул суммаси ҳам ундирилиши мумкин.

Бу сумманинг миқдори, томорқа еридаги ёрдамчи хўжаликдан олиниши тахмин қилинган даромаднинг ўша ота ёки онага тегишли ҳиссасидан, ушбу Кодекснинг 96-моддасида кўрсатилган миқдорда суд томонидан белгиланади.

103-модда. **Суднинг бир неча ҳал қилув қарорлари бўйича алиментлар ундирилишида алимент миқдорининг ўзгариши**

Агар турли ота-оналардан туғилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча ҳал қилув қарорлари бўйича бир ота ёки онадан алиментлар ундирилаётган бўлса ва у алиментлар қўшилганда, ушбу Кодекснинг 96-моддасида белгиланган миқдорлардан ошиб кетса, фойдасига алимент ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиққан ҳар бир шахсга алимент тўловчи ота ёки она суднинг ҳал қилув қарорида белгиланган алимент миқдорининг тегишинча камайтирилиши ҳақида даъво қилиши мумкин.

Суд бундай даъвони кўришда барча суд ҳал қилув қарорларига биноан ушбу Кодекснинг 96-моддасида белгиланган миқдорда тўланиши лозим бўлган алиментларни ҳисобга олиб, фойдасига суд ҳал қилув қарори чиққан ҳар бир бола учун тенг ҳиссаларда янги алимент миқдорини белгилайди.

Алимент миқдорини камайтиришга асос бўлган ҳолатлар тугаганда, вояга етмаган болалар учун алимент олаётган шахс алиментларни ушбу Кодекснинг 96-моддасида кўрсатилган миқдорда ундириш ҳақида талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

104-модда. **Низо узил-кесил ҳал қилингунга қадар ундирилиши лозим бўлган алиментлар миқдорини белгилаш**

Жавобгар ушбу Кодекснинг 70-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмига биноан гражданлик ҳолати актларини ёзиш дафтарига боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган бўлса, вояга етмаган болалар таъминоти учун маблағ (алимент) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд алимент ундириш ҳақидаги аризани қабул қилиш билан бирга, низо узил-кесил ҳал қилингунга қадар таъминот учун жавобгар қандай миқдорда маблағ тўлаб туриши лозимлиги ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

Бу сумманинг миқдори жавобгарнинг иш ҳақи (даромади)га нисбатан тегишли ҳиссада ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

105-модда. **Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар учун ундириладиган алиментларнинг миқдори**

Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож бўлган болаларига ундириладиган алиментларнинг миқдори, суд томонидан алиментлар ундирилаётган шахснинг ва алиментларни олаётган шахснинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Суд алимент ундириш ҳақидаги аризани қабул қилиш билан бирга, низо узил-кесил ҳал қилингунга қадар таъминот учун жавобгар қандай миқдорда маблағ тўлаб туриши лозимлиги ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

106-модда. **Болаларнинг ўз ота-онасига таъминот бериш мажбурияти**

Вояга етган болалар меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож бўлган ота-онасига таъминот беришга ҳамда улар тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ота-онанинг давлат ва жамоат муассасалари қарамоғида бўлиши болаларни ўз ота-онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

107-модда. **Болаларни ота-онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш**

Ота-она ўз ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлиги суд томонидан аниқланган тақдирда, болалар ўзларининг бундай ота-оналарига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилинишлари мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ва она ўз болаларидан таъминот олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

108-модда. **Ота-оналарга бериладиган алиментлар миқдори**

Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож бўлган ота-оналарга болалардан ундириладиган алимент миқдори суд томонидан, ота-оналар билан болаларнинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Алимент миқдорини белгилашда талабнинг ҳамма болаларга нисбатан ёки улардан бир нечасига ёхуд биттасига қилинган бўлишидан қатъи назар, ўша ота ёки онанинг барча вояга етган болалари ҳисобга олинади.

Суд алимент ундириш ҳақидаги аризани қабул қилиш билан бирга, низо узил-кесил ҳал қилингунга қадар таъминот учун жавобгар қандай миқдорда маблағ тўлаб туриши лозимлиги ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

109-модда. **Алимент миқдорини ўзгартиш ёки унинг тўланишини тугатиш**

Ушбу Кодекснинг 105 ва 108-моддаларига мувофиқ алимент тўлашга мажбур бўлган шахснинг ёки алимент оладиган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ўзгарса, суд манфаатдор шахснинг талабига биноан белгиланган алимент миқдорини ўзгартиришга ёки унинг тўланишини тугатишга ҳақли.

11-боб. ҚАРИНДОШЛАР ҲАМДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

110-модда. **Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз вояга етган шахсларга таъминот бериш мажбурияти**

Ушбу Кодекснинг 111—117-моддаларида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлса, вояга етмаган, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг қариндошларига — бобо, буви, невара, ака-ука, опа-сингилга, шунингдек ўгай ота ва ўгай онага, ўгай ўғил ва ўгай қизга, болаларни доимий тарбиялашга олган шахсларга ҳамда доимий тарбияда бўлган шахсларга юклатилиши мумкин.

111-модда. **Бобо ва бувининг ўз невараларига таъминот бериш мажбурияти**

Ота-онаси бўлмаган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларга таъминот бериш мажбурияти етарли маблағлари бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож неваралар ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёки улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

112-модда. **Невараларнинг бобо ва бувиларига таъминот бериш мажбурияти**

Болаларидан ва эри ёки хотинидан таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож бобо ва бувиларга таъминот бериш мажбурияти етарли маблағи бўлган неваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

113-модда. **Ака-ука ва опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз вояга етган ака-ука ва опа-сингилларга таъминот бериш мажбурияти**

Ота-оналари йўқ ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган ака-ука ва опа-сингилларга таъминот бериш мажбурияти етарли маблағлари бўлган ака-ука ва опа-сингиллар зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож ака-ука ва опа-сингилнинг ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёки улардан таъминот учун маблағ ололмаса, унга нисбатан ҳам бу мажбурият ака-ука ва опа-сингилнинг зиммасига юклатилиши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА КОДЕКСИ

(Боши учинчи бетда).

114-м о д д а. **Ўгай ота ва ўгай онанинг ўгай ўғил ва ўгай қизларига таъминот бериш мажбурияти**

Ўгай ота ва ўгай оналарининг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва ўгай қизлар, ота-оналари бўлмаса ёки ўз ота-оналаридан таъминот учун етарли маблағ ололмасалар, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота ва ўгай оналар зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил ва ўгай қизнинг ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёки улардан таъминот учун маблағ ололмаса, унга нисбатан ҳам бу мажбурият ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига юклатилиши мумкин.

115-м о д д а. **Ўгай ўғил ва ўгай қизнинг ўгай ота ва ўгай онага таъминот бериш мажбурияти**

Эри ёки хотини, ота-онаси ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари йўқ ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож ўгай ота ва ўгай онага таъминот бериш мажбурияти ўгай ўғил ва ўгай қиз зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай ота ва ўгай она беш йилдан кам тарбиялаган ёки таъминлаган бўлса, суд ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай ота ва ўгай онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилишга ҳақли.

116-м о д д а. **Болаларни доимий тарбияга олган шахсларнинг уларга таъминот бериш мажбурияти**

Вояга етмаган болаларни доимий тарбиялаш ва таъминлаш учун олган шахслар, кейинчалик уларни тарбиялаш ва таъминлашдан бош тортсалар ва болаларнинг ота-онаси бўлмаса ёки улар ўз ота-оналаридан таъминот учун етарли маблағ ололмасалар, бундай болаларга таъминот бериш мажбурияти уларни доимий тарбиялаш ва таъминлаш учун олган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

Болани доимий тарбиялаш ва таъминлаш учун олган шахслар, кейинчалик уни тарбиялаш ва таъминлашдан бош тортсалар, агарда тарбияда бўлган бола вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож бўлса ҳамда ота-онаси, эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, унга нисбатан ҳам бу мажбурият ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига юклатилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган мажбурият васийликда ёки ҳомийликда тарбияланган шахсларга, шунингдек ушбу Кодекснинг 208-моддасида кўрсатилган тартибда тарбияланган шахсларга юклатилмайди.

117-м о д д а. **Доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига таъминот бериш мажбурияти**

Ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ҳамда эри ёки хотини ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари йўқ ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган ҳақиқий тарбиячиларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар бу шахслар тарбиячиларининг тарбия ва таъминотида беш йилдан кам турган бўлсалар, суд уларни ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятдан озод қилишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган мажбурият васийликда ёки ҳомийликда тарбияланган шахсларга, шунингдек ушбу Кодекснинг 208-моддасида кўрсатилган тартибда тарбияланган шахсларга юклатилмайди.

118-модда. **Қариндош ва бошқа шахслардан ундириладиган алиментлар миқдори**

Қариндош ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун, шунингдек вояга етган ёрдамга муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз шахслар учун ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Таъминот миқдорини белгилашда, талабнинг алимент тўлашга мажбур шахсларнинг ҳаммасига ёки уларнинг бир нечасига ёхуд фақат биттасига қилинган бўлишидан қатъи назар, ўша шахслар ҳисобга олинади.

119-м о д д а. **Алимент миқдорини ўзгартиш ёки унинг тўланишини тугатиш**

Ушбу Кодекснинг 111—117-моддаларига мувофиқ алимент тўлашга мажбур шахснинг ёки алимент оладиган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан бирининг талабига биноан белгиланган алимент миқдорини ўзгартишга ёки унинг тўланишини тугатишга ҳақли.

12-боб. АЛИМЕНТЛАРНИ ТЎЛАШ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ

120-м о д д а. **Алиментни ихтиёрий тўлаш тартиби**

Алимент тўлашга мажбур бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ўзи ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойдаги ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойдаги маъмурият орқали тўлаб туради.

Аризага мувофиқ вояга етмаган болалар учун алиментлар ушбу Кодекснинг 96-моддасида кўрсатилган миқдорда ушлаб қолинади.

Алиментни ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундириб олувчининг хоҳлаган вақтда алимент ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

121-м о д д а. **Алиментни ихтиёрий тўлаш ҳақидаги аризанинг мазмуни**

Ихтиёрий равишда алимент тўлаш истагини билдирган шахснинг ўзи ишлаб турган жойдаги ёки пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойдаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти номига берган ёзма аризасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

ариза берувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи, мансаби (иш вазифаси);

таъминоти учун алимент ушлаб қолинадиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган вақти;

алимент тўланиши ёки юборилиши лозим бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва адреси.

122-м о д д а. **Алиментни ихтиёрий тўлаш ҳақидаги аризани сақлаш тартиби**

Алимент ушлаб қолиш тўғрисидаги, шунингдек алимент миқдорини ўзгартиш ёки алимент олишни тугатиш ҳақидаги аризаларни корхона, ташкилот маъмурияти ижро ҳужжатларини сақлаш учун белгиланган тартибда сақлайди. Бундай аризани йўқотишда айбдор бўлган мансабдор шахсга Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексининг 382-моддасида назарда тутилган тартиб ва миқдорда штраф солинадиган шахснинг фамилиялиниши мумкин.

123-м о д д а. **Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг алиментни ушлаб қолиш мажбурияти**

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти алимент тўлашга мажбур шахснинг ёзма аризасига, шунингдек ижро варақасига асосан, унинг иш ҳақи (пенсияси, нафақаси, стипендияси ва бошқа турдаги маблағлари)дан ҳар ойда ушлаб қолиб, иш ҳақи (пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағлар) тўланган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай, аризада ёки ижро варақада кўрсатилган шахсга тўлайди ёки почта орқали юбориб туради.

124-м о д д а. **Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан алимент ушлаб қолинмайдиган ҳоллар**

Агарда аризага ва ижро ҳужжатларига асосан ушлаб қолинадиган умумий сумма қарздорга белгилиши лозим бўлган иш ҳақининг ва шу сингари тўловларнинг 50 процентидан ортиб кетадиган бўлса, шунингдек суд қарори бўйича қарздордан унинг бошқа ота-онадан туғилган болалари учун ҳам тегишли алимент олинаётган бўлса, ариза асосида алимент ушлаб қолиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда алимент ундириб олиш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга ҳамда алимент оладиган шахсга албатта хабар бериб қўйилади.

125-модда. **Алимент тўловчининг ишлаш ва туриш жойини ўзгартирганлиги ҳақида хабар қилиш мажбурияти**

Судинг ҳал қилув қарори бўйича алимент ушлаб қолувчи корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти алимент тўловчи шахс ишдан бўшаганлиги ҳақида, шунингдек унинг янги иш жойи ёки турар жой унга маълум бўлса — бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижрочисига ва алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериб қўйиши зарур.

Алимент тўлашга мажбур бўлган шахс ҳам ўз иш жойи ёки турар жойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек қўшимча иш ҳақи тўғрисида шу муддат ичида суд ижрочисини хабардор қилиб қўйиши лозим.

Бу маълумотлар узрсиз сабабларга кўра хабар қилинмай қолган тақдирда, бунга айбдор бўлган мансабдор шахслар ва гражданларга Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексининг 414-моддасида белгиланган тартиб ва миқдорда штраф солиниши мумкин.

126 м о д д а. **Алиментни аризага биноан тўлаётган шахснинг иш жойи ўзгарганида алиментни ушлаб қолиш**

Аризасига биноан алимент ушлаб қолинаётган шахс бошқа ишга ўтган тақдирда, алиментлар унинг янги ёзиб топширган аризасига асосан ушланади. Бундай ҳолларда қарздордан алимент тўланмаган вақтдаги қарз унинг аризасига биноан ушлаб қолинади ёки суд тартибида ундирилади.

127-м о д д а. **Алиментларни суд тартибида ундириш**

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс алимент талаб қилиш ҳуқуқи қачон келиб чиққанлигидан қатъи назар, истаган вақтда алимент тўланишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Алимент даъво қилинган кундан бошлаб ундирилади.

Агар даъвогар, алимент ундириш учун ҳамма чораларни кўришига қарамай, жавобгар уни тўлашдан бош тортгани сабабли ундира олмаганини, шунингдек даъвогар оиланн сақлаш мақсадида ёки бошқа узрли сабаблар билан ўз вақтида даъво қилмаганини аниқласа. суд ишдаги аҳволларга қараб, ўтган вақт учун, аммо уч йилдан ошиқ бўлмаган муддатга алимент ундириши мумкин.

128-м о д д а. **Алимент тўлаш лозимлиги ҳақида паспортга белги қўйиш**

Алимент тўлашдан қастдан бош тортганлиги учун судланган ёхуд милиция органи томонидан алимент тўлашдан бош тортгани учун қидириб топилган шахснинг паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатига милиция органи томонидан суднинг ҳал қилув қарорига асосан шу шахс алимент тўлашга мажбурлиги тўғрисида белги (ёзув) қўйилади.

129-м о д д а. **Паспортида алимент тўлаши лозимлиги ҳақида белги қўйилган шахсдан алимент ундириш**

Паспортида ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатида алимент тўлашга мажбурлиги тўғрисида белги (ёзув) бўлган шахсга иш ҳақи ёки бошқа ҳақлар, пенсия, нафақа, стипендия тўланишида корхона, муассаса, ташкилотларнинг маъмурияти ижро варақа келгунга қадар паспортдаги ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатдаги белги (ёзув) асосида ижро варақаларни бўйича ҳақ ундириш учун белгиланган тартибда алимент ушлаб қолиши ва бу ҳақда район (шаҳар) халқ судининг ижрочисини хабардор қилиши керак; фойдасига алимент ундирилаётган шахснинг адреси номаълум бўлса, ушлаб қолинган пул халқ судининг депозит счетига ўтказилади.

Бу мажбуриятни бажармасликда айбдор бўлган мансабдор шахсларга Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексининг 414-моддасида белгиланган тартибда ва миқдорда штраф солиниши мумкин.

130-м о д д а. **Алимент қарзларини ундириш**

Ижро варақаси бўйича алиментлар тўланмаган вақтда ҳосил бўлган қарзлар қарздордан ижро варақа ундириш учун тақдим қилинганга қадар ўтган уч йилдан ошиқ бўлмаган муддат учун ундирилиши мумкин.

Ундиришга тақдим қилинган ижро варақаси бўйича алиментлар жавобгар қидирилганлиги сабабли ундирилмаган бўлса, белгиланган даъво муддатидан ва таъминоти учун алимент ундирилаётган шахснинг вояга етганидан қатъи назар, алиментлар ўтган ҳамма вақт учун ундирилади.

131-м о д д а. **Алимент қарзларининг миқдорини белгилаш**

Алимент бўйича қарз суд ижрочиси томонидан, алимент ундирилмаган вақт мобайнида қарздор олган ҳақиқий иш ҳақи (даромади)ни ҳисобга олиб, белгиланади.

Агар қарздор шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи (даромади)ни тасдикловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаса, қарз у ундирилаётган вақтда қарздор олаётган иш ҳақи (даромади)ни ҳисобга олиб белгиланади.

Агар ундирувчи ёки қарздор алимент бўйича суд ижрочиси белгилаган қарз миқдоридан норози бўлса, суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексининг 394-моддасида белгиланган тартибда шикоят қила олади.

132-м о д д а **Алимент тўлашдан озод қилиш ёки қарзларни камайтириш**

Алимент тўлашдан озод қилиш ёки қарзларни камайтириш фақат суд қарори билан қилиниши мумкин.

Агар суд жавобгарнинг касал бўлганлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра алимент тўламаганлигини аниқласа ва унинг моддий аҳволи йиғилган қарзларни тўлаш имкониятини бермайди деб топса, алимент тўловчининг даъвосига асосан уни алимент қарзларидан тамоман ёки қисман озод қилишга ҳақли.

133-м о д д а. **Алиментларни тўлашдан бош тортиш учун жавобгарлик**

Суд томонидан белгиланган алиментларни тўлашдан қастдан бош тортган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

13-боб. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

134-м о д д а. **Болаларни фарзандликка олиш**

Фақат вояга етмаган болаларни ва уларнинг манфаатларини кўзлабгина фарзандликка олишга йўл қўйилади.

Фарзандликка болани фарзанд қилиб олишни истаган шахснинг илтимоси бўйича меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан берилади.

135-м о д д а. **Фарзандликка олишга ҳақли шахслар**

Фарзандликка олувчилар вояга етган ҳар икки жинсдаги гражданлар бўлиши мумкин. Аммо булардан тубанда кўрсатилган шахслар мустасно:

а) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;

б) қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб танилган шахслар;

в) болаларга таъминот беришдан бош тортгани учун судланган шахслар;

г) илгари фарзандликка бола олган, лекин ўз вазифаларини бажармагани ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилгани учун фарзандликка олиши бекор қилинган шахслар.

136-м о д д а. **Ота-онанинг ўз болаларини фарзандликка бериш учун розиликлари**

Фарзандликка олиш учун боланинг ота-онасидан розилик талаб қилинади.

Ота-она боланинг айрим шахс (шахслар) томонидан фарзанд қилиб олишига розилик беришдан ёхуд боланы фарзандликка топширилишига розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин.

Ота-онанинг боласини фарзандликка беришга розилиги ёзма формада баён қилинган бўлиши шарт.

Фарзандликка олиш ҳақида қарор чиқарилганга қадар ота-она берган розилигини қайтариб олишга ҳақлидир.

137-м о д д а. **Ота-онанинг розилигисиз болани фарзандликка олиш**

Ота-она агар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб танилган бўлса, шунингдек эр-хотин бирга турмаётган бўлсалар ва эр ёки хотинининг турар жойи бир йилдан ошиқ вақтдан буён номаълум бўлганлиги ёки ота-она болаларини фарзандликка олишга бу шахснинг розилиги талаб қилинмайди.

141-м о д д а. **Васий ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш**

Васий ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

142-м о д д а. **Давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш**

Давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотида бўлган болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-оналаридан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, ўша муассаса маъмуриятининг розидиги билан амалга оширилади.

143-м о д д а. **Фарзандликка олиш ҳақида ариза**

Фарзандликка олиш ҳақидаги ариза фарзандликка олувчи шахс турган жойдаги ёки фарзандликка олинувчи турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Район ёки шаҳар халқ маорифи бўлими тегишли текширишлар ўтказади ва фарзандликка олиш мумкинлиги ҳақидаги ўз хулосасини меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетига тақдим қилади.

144-м о д д а. **Фарзандликка олиш тўғрисидаги илтимоснинг рад қилиниши устидан шикоят**

Фарзандликка олиш тўғрисидаги илтимоснинг меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитети томонидан рад қилиниши устидан шикоят фарзандликка олиш ҳақида ариза берган шахс томонидан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область ёки Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетига берилиши мумкин.

145-м о д д а. **Фарзандликка олувчиларни фарзандликка олинганларнинг ота-онаси қилиб ёзиш**

Фарзандликка олувчиларнинг илтимосига кўра, улар туғилишини қайд қилиш дафтарига фарзандликка олинувчиларнинг ота-онаси сифатида ёзилишлари мумкин, бу ҳақда меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорида кўрсатилиши лозим.

Фарзандликка олинувчи ўн ёшга тўлган бўлса, бундай ёзувлар учун, ушбу Кодекснинг 139-моддасида кўрсатилганлардан бошқа ҳолларда, унинг розилиги талаб қилинади.

146-м о д д а. **Фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартиш**

Фарзандликка олувчининг илтимосига кўра, фарзандликка олинувчига фамилия ва ота исми—фарзандликка олувчининг фамилия ва исмига қараб берилиши, шунингдек фарзандликка олинувчининг исми ўзгартирилиши мумкин, бола аёл киши томонидан фарзандликка олинганида, боланинг ота исми шу аёлнинг кўрсатишига биноан берилади.

Фарзандликка олинувчи ўн ёшга тўлган бўлса, исми, отасининг исми ва фамилиясини ўзгартириш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Киритилаётган ўзгаришлар ҳақида меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорида кўрсатилиши лозим.

147-м о д д а. **Фарзандликка олинувчининг туғилган жойи ҳақида ёзувни ўзгартириш**

Фарзандликка олишнинг сир сақланишини таъминлаш мақсадида, фарзандликка олувчининг илтимосига кўра алоҳида ҳолларда фарзандликка олинувчининг туғилган жойи ҳақидаги ёзув ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олинувчи ўн ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топган ёки бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Фарзандликка олинган ўн ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топган ёки бекор қилишга унинг хоҳиши ҳисобга олинади.

Агар ишни кўриш вақтида фарзандликка олинган вояга етган бўлса, фарзандликка олиш фарзандликка олган, фарзандликка олинган ва унинг ота-онасининг розиликлари билан ҳақиқий эмас деб танилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

156-м о д д а. **Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш асослари**

Фарзандликка олиш тубандаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб танилиши мумкин:

а) агар ушбу Кодексда белгиланган муносабатларни вужудга келтириш мақсадисиз фарзандликка олинган ва бу муносабатлар келиб чиқмаган бўлса (сохта фарзандликка олиш);

б) агар ушбу Кодекснинг 134 ва 135-моддаларидаги талабларни бузиб фарзандликка олинган бўлса.

157-м о д д а. **Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари**

Фарзандликка олиш тубандаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

а) фарзандликка олувчи фарзандликка олинганни тарбиялаш ва таъминлаш вазифаларини бажаришдан бош тортса ёки ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилса;

б) агар ушбу Кодекснинг 136—142-моддаларидаги талабларни бузиб фарзандликка олинган бўлса.

158-м о д д а. **Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақида даъво қилиш**

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақидаги даъво фарзандликка олган шахсга у яшайдиган жойда, ота-оналарга фарзандликка олганинг кимлиги номаълум бўлган ҳолларда эса — фарзандликка олиш ҳақида қарор чиқарилган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига қилинади.

Агар даъво фарзандликка олган шахсга қилинган бўлса, ишни кўришда иштирок қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилинади.

Агар даъво васийлик ва ҳомийлик органига қилинган бўлса, у бу ҳақда фарзандликка олган шахсга хабар беришга мажбур, фарзандликка олган шахс ишнинг кўрилишида жавобгар томонда иштирок этишга ҳақли.

Суд, зарур ҳолларда, фарзандликка олган шахсни шерик жавобгар сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қилиши мумкин.

159-м о д д а. **Фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақида боланинг ота-онаси ва фарзандликка олган шахснинг эри ёки хотини даъво қилиши**

Ушбу Кодекснинг 136-моддасидаги талабларга риоя қилмай фарзандликка олинган бўлса, боланинг ота-онаси, ушбу Кодекснинг 140-моддасидаги талабларга риоя қилмай фарзандликка олинганда эса, фарзандликка олган шахснинг эри ёки хотини фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақида даъво қилиши мумкин.

160-м о д д а. **Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақида васийлик ва ҳомийлик органининг ёки прокурорнинг даъво қилиши**

Ушбу Кодекснинг 156 ва 157-моддаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақида даъво қилиши мумкин.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш лозим деб ҳисобловчи бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда муассасалари, шунингдек гражданлар бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органига ёки прокурорга хабар қиладилар, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақида даъво қўзғатиш масаласи васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор томонидан ҳал қилинади.

161-м о д д а. **Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш оқибатлари**

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб танилганда, у бўлмаган ҳисобланади ва фарзандликка олинган билан фарзандликка олганлар ва уларнинг қариндошлари ўртасидаги барча ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Агар фарзандликка олишда боланинг фамилияси, исми ва ота исми, шунингдек унинг ота-онаси ва туғилган жойи ҳақидаги ёзувлар ўзгартирилган бўлса, улар тикланади.

Суд фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниганда, боланинг манфаатларини ҳисобга олиб, уни ота-онасига қайтариш лозимми ёки васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига бериш керакми, деган масалани ҳал қилади.

162-м о д д а. **Фарзандликка олишни бекор қилиш оқибатлари**

Фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин фарзандликка олинган билан фарзандликка олганлар ва уларнинг қариндошлари ўртасидаги барча ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тугайди, шунингдек бола билан ота-она ва уларнинг қариндошлари ўртасидаги барча ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Агар фарзандликка олишда боланинг ота-онаси ва туғилган жойи ҳақидаги ёзувлар ўзгартирилган бўлса, улар тикланади. Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олиб, фарзандликка олишда болага берилган фамилия, исм ва ота исмини сақлаш-сақламаслик масаласини ҳал қилади. Ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва ота исмини ўзгартишда унинг хоҳиши ҳисобга олинади.

Шунингдек, боланинг манфаатларини ҳисобга олиб суд уни ота-онасига қайтариш лозимми ёки васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига бериш керакми, деган масалани ҳал қилади.

163-м о д д а. **Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб танилганидан ёки бекор қилинганидан кейин фарзандликка олганнинг фарзандликка олинганини таъминлаш мажбурияти**

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб танилганда ёки бекор қилинганда, агар фарзандликка олган шахс фарзандликка олинганни тарбиялаш ва таъминлашдан бош тортган ҳамда бола ота-онасига қайтариб берилмаётган бўлса, фарзандликка олган шахсдан ушбу Кодекснинг 116-моддасига мувофиқ таъминот олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

164-м о д д а. **Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақида хабар бериш**

Суд фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилиш ҳақидаги ўзининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорининг нусхасини фарзандликка олишга қарор чиқарган меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетига ва фарзандликка олишни қайд қилган гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлимига юборади.

IV бўлим
ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК
БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯГА ОЛИШ

14-боб. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК

165-м о д д а. **Васийлик ва ҳомийликнинг мақсадлари**

Васийлик ва ҳомийлик ота-онаси вафот этганлиги, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлиги, ота-онасининг касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб қолган вояга етмаган болаларни тарбиялаш учун, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Саломатлиги ёмон бўлгани сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширолмайдиган ва мажбуриятларини бажароалмайдиган вояга етган кишиларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади.

166-м о д д а. **Васийлик ва ҳомийлик белгиловчи органлар**

Васийлик ва ҳомийлик меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан, қишлоқ (овул) ва посёлкаларда эса — тегишлича меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ёки посёлка Советининг ижроия комитети томонидан белгиланади.

167-м о д д а. **Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш**

Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан — халқ маорифи бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб танилган шахсларга нисбатан — соғлиқни сақлаш бўлимларига, касаллиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан — социал таъминот бўлимларига юклатилади.

168-м о д д а. **Васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолиятларига раҳбарлик қилиш**

Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти устидан раҳбарликни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари тегишли Советларининг ижроия комитетлари амалга оширадилар.

169-м о д д а. **Васийлик белгиланадиган шахслар**

Васийлик ўн беш ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб танилган шахсларга нисбатан белгиланади.

170-м о д д а. **Мулкка васийлик тайинлаш**

Вафот этган ёки қонун билан белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилинган ёхуд бедарак йўқолган деб танилган шахсларнинг мулкларига васийлик тайинланиши мумкин.

171-м о д д а. **Ҳомийлик белгиланадиган шахслар**

Ҳомийлик ўн бешдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирларга ҳамда касаллиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширолмайдиган ва мажбуриятларини бажароалмайдиган вояга етган шахсларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган шахсларга нисбатан белгиланади.

172-м о д д а: **Вояга етган шахсларга ҳомийлик белгилаш**

Саломатлиги ёмон бўлгани сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширолмайдиган ва мажбуриятларини бажароалмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга ҳомийлик фақат уларнинг илтимосларига кўра белгиланиши мумкин.

173-м о д д а. **Ота-оналар ва фарзандликка олувчиларнинг ўз болаларига васий ва ҳомий бўлишлари**

Ота-оналар ва фарзандликка олувчилар ўз болаларига нисбатан махсус тайинланмасдан васий ва ҳомий ҳисобланадилар

174-м о д д а. **Ота-онаси бўлган вояга етмаган болаларга васий ёки ҳомий тайинлаш**

Боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органи ушбу Кодекснинг 87 ва 89-моддаларида кўрсатилганидек, боланинг ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермайди, деган хулосага келсаларгина; унга васий ёки ҳомий тайинлашлари мумкин.

Ота-она васийлик ва ҳомийлик органининг васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги қарори устидан суд йўли билан низолашишга ҳақлидир.

175-м о д д а. **Вақтинча бошқа жойга кетган ота-оналарнинг болаларига васийлик ёки ҳомийлик белгилаш**

Ота-она олти ойдан ортиқ йўқ бўлса, болаларнинг манфаати талаб қилганида болаларга васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши мумкин. Вақтинча бошқа жойга кетган ота-она болаларини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари ихтиёрига тарбиялаш ва назорат қилиш учун ташлаб кетган бўлсалар, болаларга васийлик ва ҳомийлик тайинлаш шарт эмас.

176-м о д д а. **Давлат ва жамоат муассасаларининг таъминотидаги шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик**

Давлат ва жамоат муассасаларида тарбияланаётган ва таъминланаётган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланмайди, васий ва ҳомий вазифасини бажариш эса шу муассасалар зиммасига юклатилади.

Алоҳида ҳолларда бу шахсларнинг мулкларини бошқариш ва тасарруф қилиш учун васий тайинланиши мумкин.

177-м о д д а. **Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етмаган болалар ҳақида хабар бериш мажбурияти**

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган вояга етмаган болалар ҳақида хабардор бўлган муассаса ва шахслар бу тўғрида болалар турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум қилишга мажбурдирлар.

(Давоми бешинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА
КОДЕКСИ

(Боши тўртинчи бетда).

178-модда. **Суднинг васийлик ва ҳомийлик белгилаш ҳақида васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериш мажбурияти**

Шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб таниш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган суд, суднинг бу чиқарган қарори қонуний кучга кирган вақтдан уч кундан кечиктирмай, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахс турадиган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига васийлик ёки ҳомийлик белгилаш учун хабар қилишга мажбур.

179-модда. **Васийлик ва ҳомийлик органининг васийлик ёки ҳомийлик тайинланиши лозим бўлган шахсларни вақтинча таъминлаш мажбуриятлари**

Васийлик ва ҳомийлик органи шахсларнинг қаровсиз қолганликлари ҳақида хабар олиши билан дарҳол текширув ўтказишга ва уларнинг қаровсиз қолганлиги аниқланса, бундай шахсларга васий ёки ҳомий тайинланишигача қадар вақтинча жойлаштирилишларини таъминлашга мажбур.

180-модда. **Шахсга васийлик ва ҳомийлик белгиланадиган жой**

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган шахс яшаётган ёхуд васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

181-модда. **Мулкка васийлик белгиланадиган жой**

Мулкка нисбатан васийлик шу мулк турган жойда белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахснинг ўзи яшайдиган жойидан бошқа жойда мулки бўлса, бу мулкни бошқариш ва тасарруф қилиш учун мулк турган жойда бошқа васий тайинланиши мумкин.

182-модда. **Васий ва ҳомий тайинлаш**

Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий тайинлайдилар.

Васий ёки ҳомий фақат ўз розилиги билан тайинланиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомий тайинлаш лозимлиги маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинлаши лозим.

Васий ёки ҳомийни танлаш вақтида унинг шахсий хусусиятлари, бу вазифаларни бажаришга қобилияти, у билан васийликка ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, мумкин бўлса васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши ҳам назарга олиниши лозим.

Саломатлиги ёмон бўлгани сабабли ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган ва муомалага лаёқатли шахсга нисбатан ҳомий фақат унинг розилиги билангина танланиши мумкин.

183-модда. **Васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин бўлган шахслар**

Ушбу Кодекснинг 135-моддасида кўрсатилган шахслардан, шунингдек ўз вазифаларини бажармаганликлари ёки ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки ҳомийликдан четлатилганлардан ташқари, ҳар икки жинсдаги вояга етган гражданлар васий ёки ҳомий қилиб тайинланишлари мумкин.

184-модда. **Васийлик ва ҳомийлик вазифаларининг бепул бажарилиши**

Васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади.

185-модда. **Васий ва ҳомийнинг васийликда ёки ҳомийликда бўлган шахслар билан бирга туриш мажбурияти**

Васий ва ҳомийлар ўз васийлиги ёки ҳомийлигида бўлган шахслар билан бирга туришлари лозим.

Ҳомийликда бўлган бола ўн олти ёшга тўлган бўлса ва боланинг ҳомийсидан бошқа туриши унинг тарбиясига ва шахсининг ҳимоя қилинишига ёмон таъсир қилмаса, алоҳида ҳолларда, уларнинг бошқа-бошқа туришлари учун васийлик ва ҳомийлик органи рухсат бериши мумкин.

Васий ва ҳомийлар турар жойларини ўзгартирганликлари ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилишлари керак.

Ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятлар вояга етган муомалага лаёқатли, шунингдек муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳомийлари зиммасига юклатилмайди.

186-модда. **Васий ва ҳомийларнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахсни ғайри-қонуний ушлаб турувчидан талаб қилиш ҳуқуқи**

Васий ёки ҳомий болани қонуний асослар бўлмасдан ўзида ушлаб турувчи ҳар қандай шахсдан қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли. низо келиб чиққан ҳолларда эса, васий ёки ҳомий талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин.

187-модда. **Васийликдаги шахсларни вақтинча бошқа шахсларга бериш**

Васийнинг ўз васийлигидаги вояга етмаган шахсларни вақтинча тарбиялаш ва таъминлаш учун бошқа гражданларга беришига васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати бўлиши шарт.

Васийликдагиларни давлат ва жамоат муассасаларига вақтинча тарбиялаш ва таъминлаш учун беришга васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати талаб қилинмайди.

188-модда. **Васий ва ҳомийнинг васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етмаганларни тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти**

Вояга етмаган болаларга васий ва ҳомий қилиб тайинланганлар болаларни коммунизм қурувчисининг аҳлоқ кодекси руҳида тарбиялашлари. уларнинг жисмоний ўсиши, ўқиши ва ижтимоий—фойдали ишга тайёрланиши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

189-модда. **Васий ва ҳомийнинг васийликдаги ёки ҳомийликдаги вояга етган шахсларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти**

Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги вояга етган шахсларни таъминлаш, уларга зарур маиший шароитлар яратиш, қараб туришга, уларни даволаниши ҳақида ғамхўрлик қилишга ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур.

Руҳий касалнинг васийси, бундан ташқари, васийлигидаги шахснинг доимий медицина назоратида бўлишини кузатиб бориши лозим.

190-модда. **Васий ва ҳомийнинг васийлик ва ҳомийликдагиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши**

Васий ва ҳомий васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамма муассасаларда, шу жумладан судда, алоҳида ваколатномасиз ҳимоя қилади.

191-модда. **Васий ва ҳомийларнинг гражданлик ҳуқуқий мажбуриятлари**

Васийлар васийликдаги шахсларнинг қонуний вакиллари бўлиб ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар.

Ҳомийлар ҳомийликда бўлган шахсларга уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Ўн беш ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ҳомийлари Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 14-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахс мустақил равишда тузишга ҳақли бўлмаган битимларни тузиши учун розилик берадилар.

Муомала лаёқати чекланган шахсга тайинланган ҳомий Ўзбекистон ССР Гражданлик кодекси 16-моддасига мувофиқ мазкур шахснинг ўзига тегишли бўлган иш ҳақи, пенсия ва бошқа турдаги даромадларни олиши, уларни тасарруф қилиши, шунингдек маиший битимлардан ташқари барча мулкий битимларни тузиши учун розилик беради

192-модда. **Васийнинг васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар**

Васий тубандаги ҳаракатларни васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз қила олмайди:

а) васийликдаги шахс номидан нотариал гувоҳлантирилиши лозим бўлган битим (шартнома)ларни тузиш;

б) васийликдаги шахсга тегишли 50 сўмдан ошиқ суммадаги мулкни бошқага ўтказиш;

в) васийликдаги шахсга тегишли бўлган мулкни тақсимлаш, гаровга қўйиш ёки бир йилдан ошиқ муддатга ижарага бериш;

г) васийликдаги шахс номидан мерос ва ҳадя олишдан воз кечиш;

д) васийликдаги шахсга тегишли турар-жойни айирбошлаш ва унинг ҳар қандай ҳуқуқидан воз кечиш.

193-модда. **Васий ва ҳомий томонидан қилиниши мумкин бўлмаган ҳаракатлар**

Васий ва ҳомий, унинг эри ёки хотини ва яқин қариндошлари васийлик ёки ҳомийликда бўлган шахс билан битимлар тузишга, шунингдек васийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри ёки хотини ва қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юргизишда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас.

Васийликдаги шахс номидан ҳадя шартномасини тузишга йўл қўйилмайди.

194-модда. **Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкини бошқариш**

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкини бошқариш, уларга тегишли мулкни бошқаларга бериш, васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни қилиш тартиби ва шартлари, шунингдек васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкини бошқариш ва сақлаш ҳақида васий ва ҳомийнинг ҳисобот бериш тартиблари Ўзбекистон ССР Молия министрлиги билан келишув асосида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан тасдиқланадиган қоидаларда белгиланади.

195-модда. **Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг жорий даромадларини тасарруф қилиш**

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишли пенсия, нафақа, алиментлар ва бошқа жорий даромадлар васий ёки ҳомийнинг ихтиёрида бўлади ва улар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти учун сарфланади.

Ўн беш ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ҳомийликдаги ўсмирлар ўз иш ҳақларини, нафақаларини ёки стипендияларини мустақил равишда тасарруф қиладилар ва ўз авторлик ҳамда ихтирочилик, шунингдек кашфиётчилик ҳуқуқларини мустақил амалга оширадилар. Вояга етмаганлар олаётган иш ҳақи, нафақаси, стипендияси ва бошқа даромадларини мақсадга номувофиқ харажат қилаётган бўлсалар. васийлик ва ҳомийлик органи, ҳомийларнинг тақдимига кўра ёки ўз ташаббуси билан уларни бу маблағларни мустақил харажат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишлари мумкин.

Саломатлиги ёмон бўлганлиги туфайли ҳомийликда бўлган вояга етган муомалага лаёқатли шахсга тегишли пуллар фақат ҳомийликдаги шахснинг розилиги билан ҳаражат қилиниши мумкин.

196-модда. **Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларга нафақа тайинлаш**

Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсларни таъминлашга мажбур эмас.

Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари шу шахснинг маблағлари ҳисобига ушбу Кодекснинг 195-моддасида белгиланган тартибда тўланади.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсни таъминлаш учун етарли маблағ бўлмагани тақдирда, уни таъминлашга васийлик ва ҳомийлик органи нафақа тайинлайдилар.

197-модда. **Васий ва ҳомийни ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиш**

Болалар ота-оналари тарбиясига қайтарилганида, фарзандликка берилганида ёхуд васийликда ёки ҳомийликда бўлган шахслар давлат ёки жамоат муассасаларига жойлаштирилганида васийлик ва ҳомийлик органи васий ва ҳомийни ўз вазифаларини бажаришдан озод қилади.

Васий ва ҳомийнинг ўз вазифаларидан озод қилиш ҳақидаги шахсий илтимослари васийлик ва ҳомийлик органи томонидан узрли (васий ёки ҳомийнинг касаллиги, уларнинг моддий шароити ўзгаргани каби) деб топилган ҳолларда ҳам, улар васийлик ва ҳомийликдан озод қилиниши мумкин.

198-модда. **Вояга етган шахсга тайинланган ҳомийнинг вазифасидан ҳомийликдаги шахс талаби бўйича озод қилиниши**

Саломатлиги ёмон бўлгани сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган вояга етган шахснинг ҳомийси ҳомийликдаги шахс талаби билан ҳомийликдан озод қилинади. Бундай ҳолда васийлик ва ҳомийлик органи ҳомий тайинланишига муҳтож шахснинг розилиги билан, унга бошқа шахсни ҳомий қилиб тайинлаши мумкин.

199-модда. **Васий ва ҳомийни ўз вазифаларини бажаришдан четлатиш**

Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган вазифаларини муносиб даражада бажармагани ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органи васийни ёки ҳомийни бу вазифаларни бажаришдан четлатади.

Васийлик ва ҳомийликдан ғаразли мақсадларда ёхуд васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг зарарига фойдаланилганда, шунингдек васийлик ёки ҳомийликда бўлган болалар назоратсиз ёхуд зарур моддий ёрдамсиз қолдирилганда, васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомийни қонунда кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

200-модда. **Васийликнинг тугаши**

Васийлик:

васий ёки ҳомийликдаги шахс вафот қилиши билан;

вояга етмаган болаларга тайинланган бўлса—уларнинг ўн беш ёшга тўлишлари ёки уларнинг ота-она тарбиясига қайтарилиши билан;

руҳий касал ёки ақли заифлиги учун қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганларга тайинланган бўлса— уларнинг муомала лаёқати суд томонидан тикланиши билан;

мулкка нисбатан тайинланган бўлса — шахсни бедарак йўқолган деб таниш ёки ўлган деб эълон қилиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниши ёхуд мерос қабул қилиб олиниши билан тугайди.

Вояга етмаган бола ўн беш ёшга етганлиги сабабли васийлик тугаганда, васий вазифасини бажарувчи махсус тайинланмасдан, вояга етмаган шахснинг ҳомийси бўлиб қолади.

201-модда. **Ҳомийликнинг тугаши**

Ҳомийлик:

ҳомий ёки ҳомийликдаги шахс вафот қилиши билан;

ўн беш ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларга тайинланган бўлса—уларнинг ота-она тарбиясига қайтарилиши ёки улар вояга етишлари ёхуд никоҳ тузишлари билан;

муомала лаёқати чекланган шахсларга тайинланган бўлса — муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниши билан тугайди.

202-модда. **Руҳий касалга нисбатан тайинланган васийнинг васийликдаги шахс соғайганида васийликни тугатишни сўраб мурожаат қилиш мажбурияти**

Васий ўз васийлигидаги руҳий касал шахс соғайгани ҳамон уни муомалага лаёқатли деб таниш ва васийликни тугатишни сўраб судга мурожаат қилишга мажбур.

203-модда. **Васий ёки ҳомий томонидан етказилган мулкий зарарни тўлаш**

Васийлик ва ҳомийлик органи васий ёки ҳомийдан, ўзига юклатилган вазифаларни инсофсизлик ёки эҳтиётсизлик билан бажариши натижасида келтирган мулкий зарарни тўлашини талаб қилишга мажбур, муомалага лаёқатли васийлик ёки ҳомийликда бўлган шахсга нисбатан тайинланган васийлик ёки ҳомийлик тугаганда эса, у бундай талабни қилишга ҳақли.

204-модда. **Васий ва ҳомийнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

Васий ва ҳомийнинг ҳаракатлари устидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ўзи, прокурор, давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқа гражданлар васийликдаги шахс турган жойдаги тегишли васийлик ва ҳомийлик органига шикоят қилишлари мумкин.

205-модда. **Васийлик ва ҳомийлик органининг қарори устидан шикоят қилиш**

Васийлик ва ҳомийлик органининг васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда васий ва ҳомийни бу вазифадан четлатиш ҳақида, шунингдек васийлик ва ҳомийликнинг бошқа ҳамма масалалари юзасидан чиқарган қарори устидан манфаатдор шахслар Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари тегишли Советларининг ижроия комитетларига шикоят қилишлари мумкин.

206-модда. **Васий ва ҳомийнинг ўз вазифаларини бажариши устидан контроллик**

Васий ва ҳомийнинг ўз вазифаларини қандай бажараётгани ва ҳуқуқларини қандай амалга ошираётгани устидан васийлик ва ҳомийлик органи контроллик олиб боради.

207-модда. **Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида Низом.**

Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида Низом Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

15-боб. БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯГА ОЛИШ (ПАТРОНАТ)

208-модда. **Болаларни тарбияга олиш**

Ота-онасиз қолган болаларни меҳнаткашларнинг оилаларида тарбиялаш — боланикни давлат томонидан муҳофаза этишнинг амалга оширилишида жамоатчилик ёрдами шаклларидан биридир.

Болалар ушбу Кодекснинг 135-моддасида кўрсатилган шахслардан, шунингдек васийлик ёки ҳомийликдан четлатилганлардан бошқа гражданлар томонидан ихтиёрий равишда тарбияга олинади.

209-модда. **Болаларни тарбияга олиш шартномаси**

Болаларни тарбияга олиш болани тарбияга олишни хоҳлаган шахс билан васийлик ва ҳомийлик органи ўртасида тузиладиган ва меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан, қишлоқ (овул) ва посёлкаларда эса — тегишлича меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ёки посёлка Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланадиган шартномага асосан амалга оширилади.

Шартнома тузилмасдан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг маиший шароитлари ва оила аъзоларининг саломатлиги текширилади.

Болани тарбияга олган шахс васий ҳуқуқларига эга.

210-модда. **Тарбияланаётган боланинг таъминоти учун маблағ**

Болаларни тарбиялашга беришда васийлик ва ҳомийлик органи бир йўла кийим-бош, оёқ кийими беради. болани тарбиялашга олган шахсга эса— тарбияга олинган боланинг таъминоти учун белгиланган тартибда нафақа тўлаб туради.

211-модда. **Тарбияга бериладиган болалар**

Тарбияга ўн беш ёшгача бўлган болалар берилади. Айрим ҳоллар (касаллик ва бошқалар)да болаларни тарбиялаш уларнинг ўн саккиз ёшга тўлганларига қадар давом эттирилиши мумкин.

212-модда. **Болаларни тарбияга олиш шартномасини бекор қилиш**

Болаларни тарбияга олиш шартномаси қуйидаги ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан муддатидан олдин бекор қилинади:

а) болани тарбиялашга олган шахс ўз мажбуриятларини бажармаса;

б) болани тарбияга олган шахснинг оилавий ва мулкий шароитлари тарбияга салбий таъсир кўрсатадиган даражада ўзгарса;

в) тарбияга олинган боланинг ота-онаси ва қариндошлари талаб қилса.

Болаларни тарбияга олиш шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги низолар суд тартибида ҳал қилинади.

213-модда. **Болаларни тарбияга олган шахснинг жавобгарлиги**

Болаларни тарбияга олган шахс ўз ҳуқуқларидан ғараз мақсадда, тарбиядаги боланинг зарарига фойдаланса, шунингдек уларни қаровсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирса, васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олган шахсни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўйишга ҳақли.

214-модда. **Тарбиявий шароитлар устидан контроллик**

Тарбияга берилган болаларнинг тарбиявий шароитлари устидан васийлик ва ҳомийлик органи контроллик қилади.

215-модда. **Болаларни тарбияга бериш шартлари ва тартиблари**

Болаларни тарбияга бериш шартлари ва тартиблари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

V бўлим
ГРАЖДАНЛИК ҲОЛАТИ АКТЛАРИ

16-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

216-модда. **Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш**

Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек гражданларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади.

Туғилиш, ўлиш. никоҳ тузиш. никоҳдан ажралиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм. ота исми ва фамилияни ўзгартиш гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларида қайд қилиниши лозим.

217-модда. **Гражданлик ҳолати актларини қайд қилувчи органлар**

Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш шаҳарларда ва район марказларида — меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими томонидан, қишлоқ (овул) ва посёлкаларда эса—меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ва поселка Советларининг ижроия комитетлари томонидан амалга оширилади.

218-модда. **Гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларининг компетенцияси**

Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Совети ижроия комитетининг гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими туғилиш, ўлиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм, ота исми ва фамилияни ўзгартишларни қайд қилади, гражданлик ҳолати актлари ёзувларидаги хатоларни тузатади, уларга ўзгартишлар киритади ва уларни бекор қилади, йўқолган ёзувларни тиклайди, акт дафтарларини сақлайди ва такрорий гувоҳномалар беради.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари туғилиш, ўлиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва оталикни белгилашларни қайд қилади.

219-модда. **Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш учун олинадиган давлат пошлинаси**

Туғилиш, ўлиш, фарзандликка олиш ва оталикни белгилашни гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида қайд қилиш, шунингдек мазкур актларнинг қайд қилинганлиги ҳақида дастлабки гувоҳномаларни бериш. оталик белгиланиши муносабати билан туғилиш ҳақида акт ёзувларидаги хатоларни тузатиш ва уларга ўзгартишлар киритиш ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ давлат пошлинаси олинмай бажарилади.

Никоҳ тузиш. исми. ота исми ва фамилиясини ўзгартишларни қайд қилиш, никоҳдан ажралиш учун, тегишли ҳолларда никоҳдан ажралиш ҳақида гувоҳнома бериш учун, шунингдек гражданлик ҳолати актлари қайд қилингани ҳақида такрорий гувоҳнома бериш ҳамда туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим ҳақидаги акт ёзувларини тиклаш ва ўзгартиш учун СССР Министрлар Совети қарорида кўрсатилган миқдорда давлат пошлинаси олинади

220-модда. **Гражданлик ҳолати актлари ёзувларидаги хатоларни тузатиш ва ўзгартишлар киритиш**

Гражданлик ҳолати актлари ёзувларидаги хатоларни тузатиш ва уларга ўзгартишлар киритиш етарли асослар бўлган ва манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаган тақдирда, гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи томонидан бажарилади. Ёзувларни тузатиш ёки ўзгартишнинг гражданлик ҳолати актларини ёзиш органлари томонидан рад қилиниши устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса, ёзувлар суднинг ҳал қилув қарорига асосан тузатилади.

221-модда. **Гражданлик ҳолати актлари ёзувларини тиклаш**

Гражданлик ҳолати актлари ёзувлари, илгари ўша ёзувларнинг бор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлганида, гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими томонидан тикланади.

Йўқолган ёзувларни тиклаш мумкин бўлмаган ҳолларда эса, гражданлик ҳолати актларини қайд қилинганлик факти суд тартибида белгиланади.

222-модда. **Гражданлик ҳолати актлари ёзувларини бекор қилиш**

Гражданлик ҳолати актларининг ёзувлари гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими томонидан суднинг ҳал қилув қарори асосида бекор қилинади.

Ушбу Кодекс 56-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда, никоҳдан ажралиш ҳақидаги ёзувлар никоҳдан ажратган гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи томонидан бекор қилинади

Дастлабки ёзувлар топилган тақдирда, тикланган ёки қайта тузилган акт ёзувлари гражданлик ҳолати актларини ёзишнинг Қорақалпоғистон АССР, область ёки Тошкент шаҳар органининг кўргазмасига мувофиқ бекор қилинади.

223-модда. **Акт дафтарлари. Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш қоидалари**

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, гражданлик ҳолати актлари ёзувларини ўзгартиш ва тиклаш тартибини белгилайдиган асосий қоидалар, шунингдек гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтарларининг формалари ва бу дафтарлардаги ёзувлар асосида бериладиган гувоҳномаларнинг формалари. акт дафтарларини сақлаш тартиби ва муддатлари СССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш қоидалари, жумладан никоҳ ва туғилишни тантанали вазиятда қайд қилиш тартиблари, шунингдек никоҳга кирувчиларнинг соғлиқлари ва оилавий аҳволи ҳақида ўзаро хабардор бўлишлари ҳамда бўлажак эр-хотин ва ота-она сифатида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш тартиби Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

224-модда. **Гражданлик ҳолати актларини қайд қилишда ёлғон маълумот бериш учун жавобгарлик**

Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш вақтида гражданлик ҳолати актларини ёзиш давлат органларига атайин нотўғри маълумот берган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар

17-боб. ТУҒИЛИШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

225-модда. **Туғилишни қайд қилиш тартиби**

Болаларнинг туғилишини қайд қилиш мажбурий бўлиб, у гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида бола туғилган ёки ота-оналар турадиган ёхуд улардан бири турадиган жойда қайд қилинади.

Ота-она рози бўлган ҳолларда гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи туғилишни қайд қилишни тантанали вазиятда ўтказишни таъминлайди.

226-модда. **Туғилиш ҳақида ариза**

Бола туғилгани ҳақида ариза оғзаки ёки ёзма формада ота-она ёки уларнинг бири томонидан, ота-онаси касал бўлган ёки вафот қилганида ёхуд бошқа сабабларга кўра уларнинг ариза бериши мумкин бўлмаганида — қариндошлари. қўшнилари, бола туғиш вақтида она ётган туғруқхона ёки бошқа медицина муассасаларининг маъмурияти ва бошқа шахслар томонидан берилади.

Ташландиқ боланинг туғилиши уни топиб олган шахснинг аризасига ёки бола турган муассаса маъмуриятининг ёхуд милиция органининг берган хабарига мувофиқ қайд қилинади.

227-модда. **Туғилиш ҳақида ариза бериш муддати**

Бола туғилганлиги ҳақидаги ариза бола туғилгандан кейин бир ойдан кечикмай, бола ўлик туғилганда эса — туғилган вақтдан уч кундан кечикмай берилиши шарт.

Ташландиқ болани туғилганлигини қайд қилиш ҳақидаги ариза бола топилганидан кейин уч кундан кечикмай берилиши шарт.

228-модда. **Туғилишни қайд қилиш вақтида тақдим қилинадиган ҳужжатлар**

Боланинг туғилиши, унинг туғилганлиги ҳақида медицина муассасасининг справкаси ёки гувоҳларнинг тасдиқ қилиши асосида қайд қилинади.

229-модда. **Боланинг туғилиши ҳақидаги ёзув**

Туғилиш актларини ёзиш дафтарида боланинг исми, ота исми ва фамилияси. шунингдек унинг ота-оналари ҳақидаги маълумотлар ушбу Кодекснинг 70, 76 ва 77-моддаларига мувофиқ ёзилади.

Туғилиш ҳақидаги ёзувда боланинг отаси тўғрисида маълумотлар қандай ҳужжатлар асосида киритилгани кўрсатилади.

Оталик белгиланмаган ҳолларда отанинг миллати онанинг кўрсатувига мувофиқ ёзилади.

230-модда. **Боланинг туғилишидан илгари ўлган отаси ҳақидаги ёзув**

Агар бола онаси билан никоҳда турган шахс вафот этганидан кейин ўн ой ўтмасдан туғилган бўлса, мазкур ўлган шахс янги туғилган боланинг отаси сифатида ёзилиши мумкин.

231-модда. **Никоҳдан ажралгандан кейин ёки унинг ҳақиқий эмас деб танилганидан кейин туғилган болаларнинг отасини ёзиш**

Агар бола ота-онаси никоҳдан ажралгандан кейин ёки никоҳи ҳақиқий эмас, деб топилганидан кейин ўн ойдан кечикмай туғилган бўлса, боланинг онаси билан никоҳда турган шахс боланинг отаси сифатида ёзилиши мумкин.

18-боб. ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

232-модда. **Оталикни белгилашни қайд қилиш тартиби**

Оталикни белгилаш ота-онанинг биргаликдаги аризаларига ёки суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ, боланинг онаси ўлган ёки унинг турар жойини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолда эса — отанинг аризасига асосан қайд қилинади.

Вояга етган шахсларга нисбатан оталикни белгилашни қайд қилишга фақат уларнинг розилиги билан йўл қўйилади.

233-модда. **Оталикни белгиланишини қайд қилиш жойи**

Оталикнинг белгиланиши ота-онадан бирининг турган жойидаги ёки оталикни белгилаш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиққан жойдаги гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида қайд қилинади.

234-модда. **Оталикни белгилаш ҳақида ёзув**

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи оталикни белгилаш ҳақида актлар дафтарига ёзиб қўяди ва оталикни белгилаш ҳақида гувоҳнома беради.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги гувоҳнома асосида туғилиш ҳақидаги актлар дафтарига ота тўғрисида ёзув киритилади ва туғилиш ҳақида гувоҳнома берилади.

19-боб. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

235-модда. **Фарзандликка олишни қайд қилиш жойи ва тартиби**

Фарзандликка олиш фарзандликка олувчиларнинг ёки улардан бирининг аризасига ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг хабарига мувофиқ меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетининг фарзандликка олиш ҳақидаги қарорига асосан шу қарор чиққан жойдаги гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида қайд қилинади.

236-модда. **Фарзандликка олинганларнинг туғилиши ҳақидаги акт ёзувларига ўзгартишлар киритиш**

Фарзандликка олувчилар фарзандликка олинувчининг ота-онаси деб ёзилганида (ушбу кодекснинг 145-моддаси), фарзандликка олинган болага фарзандликка олувчининг фамилияси ва унинг исмига мувофиқ ота исми берилганида, шунингдек фарзандликка олинганнинг исми ўзгартирилганда (ушбу кодекснинг 146-моддаси) ёхуд фарзандликка олинганнинг туғилган жойи ҳақидаги ёзув ўзгартирилганда (ушбу кодекснинг 147-моддаси) гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими фарзандликка олинганларнинг туғилиш ҳақидаги акт ёзувларига тегишли ўзгартишлар киритади ва туғилиш ҳақида янги гувоҳнома беради.

237-модда. **Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб танилганида ёки бекор қилинганида акт ёзувларини тиклаш**

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб танилгани ёки фарзандликка олишни бекор қилингани ҳақида фарзандликка олиш ҳақидаги ёзувларга белги қўяди ва фарзандликка олинганнинг туғилиши ҳақида ёзувлардаги дастлабки маълумотларни тиклайди.

20-боб. НИКОҲНИНГ ТУЗИЛГАНЛИГИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

238-модда. **Никоҳни қайд қилиш жойи**

Никоҳ никоҳланувчи шахслардан бирининг ёки ота-оналарининг турар жойида гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида қайд қилинади.

Никоҳ тузиш никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида қайд қилинади.

239-модда. **Никоҳни қайд қилишда тақдим қилинадиган ҳужжатлар**

Никоҳланувчилар никоҳга киришни хоҳлаганликлари ҳақида гражданлик ҳолати актларини ёзиш органига ариза берадилар. Улар никоҳни қайд қилишда паспортларини ёки паспорт ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларини, қишлоқ (овул) ва посёлкаларда эса, — туғилиш гувоҳномасини кўрсатишлари лозим.

Илгари никоҳда бўлган шахслар никоҳдан ажралиш ҳақидаги гувоҳнома ёхуд эри ёки хотинининг ўлганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини кўрсатган ҳолдагина янги никоҳни қайд қилдиришлари мумкин.

240-модда. **Никоҳланувчиларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш**

Никоҳланувчи шахслардан ариза қабул қилган гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи никоҳланувчиларни никоҳни қайд қилиш тартиби ва шартлари билан таништириши ва уларнинг бир-бирлари соғлиқларидан, болалари бор-йўқлигидан, нечанчи марта никоҳга кираётганлигидан хабардор эканликларини билиши, шунингдек уларга бўлажак эр-хотин ва ота-она сифатида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишларини тушунтириши, шунингдек гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларидан никоҳга киришга монелик қиладиган ҳолатларни яширганлик учун жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантириши лозим.

241-модда. **Никоҳнинг қайд қилинишини тўхтатиш**

Никоҳ қайд қилингунга қадар, никоҳни қайд қилишга монелик қиладиган ушбу Кодекснинг 17—19-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар борлиги ҳақида бирор шахсдан ариза тушса, никоҳни қайд қилувчи мансабдор шахс никоҳни қайд қилишни тўхтатиши ва ариза берган шахсдан бир ой муддат ичида тегишли далилларни келтиришни талаб қилиши лозим. Агар белгиланган вақтда бундай далиллар тақдим қилинмаса, никоҳ қайд қилинади.

242-модда. **Никоҳнинг қайд қилиш вақтини белгилаш**

Никоҳни қайд қилиш ҳақида ариза қабул қилган гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи тантанали вазиятда никоҳ тузиш истагини аниқлайди ва никоҳланувчилар билан келишиб. ушбу Кодекснинг 15-моддасига мувофиқ никоҳни қайд қилиш вақтини белгилайди ҳамда бўлажак никоҳни қайд қилиниши ҳақида эълон қилади.

243-модда. **Эр-хотиннинг паспортларига никоҳнинг қайд қилинганлиги ҳақида ёзиш**

Эр-хотиннинг паспортларига ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларига никоҳнинг қайд қилингани, никоҳланган шахснинг эри ёки хотинининг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили, никоҳ қайд қилинган жой ва вақт ёзиб қўйилади.

(Давоми олтинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА КОДЕКСИ

(Боши бешинчи бетда).

21-боб. НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

244-модда. **Никоҳдан ажралишни қайд қилиш жойи**

Никоҳдан ажралиш эр ёки хотинидан бирининг турган жойидаги гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида қайд қилинади.

245-модда. **Суднинг ҳал қилув қарори асосида никоҳдан ажралишни қайд қилиш**

Суднинг никоҳдан ажралиш ҳақидаги ҳал қилув қарори асосида гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи эр-хотининг ёки улардан бирининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажралишни қайд қилади.

Никоҳдан ажралиш эр ёки хотинидан фақат бирининг аризасига мувофиқ қайд қилинган тақдирда ҳам никоҳ бекор бўлган ҳисобланади, лекин ажралувчиларнинг иккинчиси никоҳдан ажралиш гувоҳномасини олмасдан туриб, янги никоҳини қайд қилдиришга ҳақли эмас.

246-модда. **Эр-хотининнинг ўзаро розилиги бўлган ҳолда никоҳдан ажралишни қайд қилиш**

Ушбу кодекснинг 51-моддасида кўрсатилган ҳолларда ўзаро келишув бўйича никоҳдан ажралишда, эр-хотин гражданлик ҳолати актларини ёзиш органига берган аризаларида вояга етмаган болалари йўқлигини тасдиқлашлари лозим.

Бундай ҳолларда эр-хотин бир-биридан ажралиш тўғрисида ариза берган кундан бошлаб уч ой ўтганидан кейин никоҳдан ажралиш расмийлаштирилади ва эр-хотинга никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Никоҳдан ажралиш эр ва хотининг иштирокида қайд қилинади. Агар эр-хотиндан бири узрли сабабларга кўра гражданлик ҳолати актларини ёзиш органига келолмаса, никоҳдан ажралишни унинг иштирокисиз қайд қилиш мумкин.

247-модда. **Эр-хотиндан бирининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажралишни қайд қилиш**

Ушбу кодекснинг 52-моддасида кўрсатилган ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишни қайд қилишда, гражданлик ҳолати актларини ёзиш органига берган эр-хотин:

а) эри ёки хотини руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб танилгани ёки бедарак йўқолган деб танилгани тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорининг нусхасини;

б) эри ёки хотини жиноят қилгани учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхасини ёки кўчирмасини топширадилар.

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи берилган ариза ҳақида муомалага лаёқатсиз эр ёки хотининг васисига, шунингдек қамоқдаги эр ёки хотинга хабар қилади.

248-модда. **Эр-хотининнинг никоҳгача бўлган фамилиясини ёзиш**

Никоҳдан ажралгандан кейин эр ва хотининг никоҳгача бўлган фамилияси ушбу Кодекснинг 53-моддасига мувофиқ ёзилади.

249-модда. **Никоҳдан ажралиш ҳақида гувоҳнома бериш ва бу ҳақда никоҳдан ажралганларнинг ҳужжатларига ёзиш**

Никоҳдан ажралиш ҳақидаги ёзувдан сўнг никоҳдан ажралиш ҳақида гувоҳнома берилади ва никоҳдан ажралганларнинг паспортларига ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларига никоҳдан ажралганлик ҳақида ёзиб қўйилади.

Никоҳдан ажралишни қайд қилган гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи никоҳдан ажратилганлик ҳақида шу никоҳни қайд қилган гражданлик ҳолати актларини ёзиш органига хабар қилади.

250-модда. **Ажралишнинг қайд қилинганлиги ҳақида эр ёки хотинга хабар бериш**

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш органи никоҳдан ажралишни қайд қилингани ҳақида, агар эр-хотиндан иккинчисининг адреси маълум бўлса, унга хабар юбориши лозим.

22-боб. ФАМИЛИЯ, ИСМ ВА ОТА ИСМИНИ ЎЗГАРТИШНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

251-модда. **Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартишни қайд қилиш, тартиби**

Гражданларнинг фамилияси, исми ва ота исмини ўзгартиш улар вояга етгандан сўнг меҳнаткашлар депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия комитетининг гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими томонидан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ёки Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг рухсати билан қайд қилинади.

252-модда. **Никоҳда турган шахс фамилиясининг ўзгариш оқибатлари**

Никоҳда турган шахслардан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши, иккинчисининг фамилиясини ўзгартишга сабаб бўлмайди.

Ота-онанинг ёки улардан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши вояга етган болаларнинг фамилияларини ўзгартишга сабаб бўлмайди.

Ота-онанинг ҳар иккисини фамилияси ўзгарганда вояга етмаган болаларнинг фамилияси ҳам ўзгаради.

Агар ота-онадан бири фамилиясини ўзгартирса, вояга етмаган болаларнинг фамилиясини ўзгартириш масаласи ота ва онанинг ўзаро келишуви билан, келишув бўлмаган ҳолда — васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал қилинади.

253-модда. **Ота исмининг ўзгариш оқибатлари**

Отанинг исми ўзгариши билан вояга етмаган болаларнинг ота исми ҳам ўзгаради.

Вояга етган болаларнинг ота исми улар бу ҳақда гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларига ариза берганлари ҳолдагина ўзгартирилади.

254-модда. **Янги гувоҳнома бериш**

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиш муносабати билан гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш ёзувларига киритилган тузатишлар асосида гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими илгари берилган гувоҳномани бекор қилади ва янги гувоҳнома беради.

23-боб. УЛИМНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

255-модда. **Улимни қайд қилиш тартиби**

Улим вафот этган шахс яшаган жойдаги ёки ўлим содир бўлган жойдаги гражданлик ҳолати актларини ёзиш органида қайд қилинади.

Улим суднинг шахсни ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорига асосан қайд қилинадиган бўлса, у қарор чиқарган суд турган жойдаги гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлимида қайд қилинади.

256-модда. **Улим ҳақида хабар бериш**

Улимни қайд қилиш мажбурийдир ва бу ҳақда ўлган кишининг қариндошлари, унинг қўшнилари, турар-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари, уй-жой бошқармалари, маҳалла комитетларининг ходимлари ва бошқа шахслар, шунингдек ўлим содир бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти ва мурдани топган милиция органлари томонидан қилинган хабарга асосан қайд қилинади.

Улим факти медицина муассасаларининг справкаси билан тасдиқланади. Бундай ҳужжатни тақдим қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда ўлим факти Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 21-моддасига мувофиқ суднинг шахсни ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори билан белгиланади.

257-модда. **Улим ҳақида хабар бериш муддати**

Улим ҳақида, у содир бўлган кундан эътиборан уч суткадан кечиктирмай хабар қилиниши лозим. Зўрлик билан ўлдирилган, ўз-ўзини ўлдирган ёки бахтсиз ҳодисалар натижасида одам ўлган бўлса, ўлган вақтидан ёхуд мурда топилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида хабар қилиниши шарт.

VI бўлим

НИКОҲ ВА ОИЛА ТЎҒРИСИДАГИ СОВЕТ ҚОНУНЛАРИНИ АЖНАБИЙЛАРГА ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ, ЧЕТ ДАВЛАТЛАРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИНИ, ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ВА БИТИМЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ

24-боб. НИКОҲ ВА ОИЛА ТЎҒРИСИДАГИ СОВЕТ ҚОНУНЛАРИНИ АЖНАБИЙЛАРГА ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ

258-модда. **Болаларнинг гражданлиги**

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, бола туғилган пайтда унинг отаси ҳам, онаси ҳам СССР гражданлари бўлса, бундай бола қаерда туғилганидан қатъи назар, СССР гражданлари ҳисобланади.

Турли давлатларнинг гражданлари бўлган ота-оналардан бири бола туғилган пайтда СССР гражданлари бўлиб, ўша вақтда ота-онадан бири СССР территориясида истиқомат қилаётган бўлса, бундай ҳолатда бола СССР гражданлари деб ҳисобланади. Агар ўша вақтда ота-онанинг иккови СССРдан ташқарида истиқомат қилаётган бўлса, боланинг гражданлиги ота-онанинг келишуви билан белгиланади.

259-модда. **Ўзбекистон ССРда совет гражданларининг ажнабийлар билан никоҳ тузиши**

Ўзбекистон ССР да совет гражданлари ажнабийлар билан умумий асосларда никоҳ тузадилар.

Совет гражданларининг ажнабий лар билан никоҳ тузиши гражданликни ўзгартиришга сабаб бўла олмайди.

260-модда. **Ўзбекистон ССРда ажнабийларнинг бир-бирлари билан никоҳ тузиши**

Ўзбекистан ССРда ажнабийлар бир-бирлари билан умумий асосларда никоҳ тузадилар.

Ажнабий давлатларнинг СССРдаги элчихоналарида ва консулхоналарида ажнабийларнинг бир-бирлари билан тузган никоҳлари, агар бу шахслар никоҳланиш вақтида элчи ёки консулни тайинлаган давлат граждани бўлсалар, бундай никоҳлар ўзаро келишув шартларига асосан Ўзбекистон ССРда ҳақиқий никоҳ деб танилади.

261-модда. **Совет гражданларининг СССР элчихоналари ва консулхоналарида никоҳ тузиши**

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, СССР дипломатик ташкилотларида истиқомат қилаётган совет гражданлари никоҳни СССР элчихоналарида ёки консулхоналарида тузадилар.

262-модда. **СССРнинг элчихоналари ва консулхоналарида никоҳ тузиш ва бошқа гражданлик ҳолати актларини қайд қилишда иттифоқдош республикаларнинг қонунларини татбиқ қилиш**

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, чет эллардаги СССР элчихоналари ва консулхоналарида никоҳ тузилганда ёки гражданлик ҳолатининг бошқа актлари қайд қилинганда манфаатдор шахслар қайси иттифоқдош республиканинг гражданлари бўлсалар, шу иттифоқдош республиканинг қонунлари татбиқ қилинади.

Манфаатдор шахслар турли иттифоқдош республикаларнинг гражданлари бўлсалар ёки уларнинг қайси республика граждани экани аниқланмаган бўлса, бундай ҳолда уларнинг келишувига биноан, улар ўзаро келиша олмаса, гражданлик ҳолати актини қайд қилувчи мансабдор шахснинг қарорига биноан иттифоқдош республикалардан бирининг қонунлари татбиқ қилинади.

263-модда. **СССР доирасидан ташқарида тузилган никоҳларнинг тан олиниши**

Совет гражданлари ўзаро ва совет гражданлари ажнабийлар билан СССР доирасидан ташқарида никоҳ тузилаётган жойнинг қонунида белгиланган никоҳ формасига риоя қилган ҳолда никоҳ тузган бўлсалар ва бундай никоҳларнинг тан олинишига ушбу Кодекснинг 17-19 ва 57-моддаларидан келиб чиқадиган монеълик бўлмаса, бу никоҳлар Ўзбекистон ССРда ҳақиқий деб ҳисобланади.

264-модда. **Ажнабийларнинг никоҳларини ҳақиқий деб таниш**

Ажнабийларнинг СССР доирасидан ташқарида тегишли давлатларнинг қонунларига биноан тузган никоҳи Ўзбекистон ССРда ҳам ҳақиқий деб ҳисобланади.

265-модда. **Ўзбекистон ССРда совет гражданларининг ажнабийлар билан тузган никоҳларидан ва ажнабийларнинг бир-бири билан тузган никоҳларидан ажратиш**

Ўзбекистон ССРда совет гражданларининг ажнабийлар билан тузган никоҳларидан ажратиш, шунингдек ажнабийларнинг бир-бирлари билан тузган никоҳларидан ажратиш умумий асосларда амалга оширилади.

266-модда. **СССР доирасидан ташқарида никоҳдан ажралишни тан олиш**

СССР доирасидан ташқарида тегишли давлатларнинг қонунларига биноан совет гражданлари билан ажнабийлар ўртасидаги никоҳдан ажралиш пайтида эр билан хотиндан лоақал бири СССР доирасидан ташқарида истиқомат қилиб турган бўлса, бундай никоҳдан ажралиш Ўзбекистон ССРда ҳақиқий деб ҳисобланади.

СССР доирасидан ташқарида тегишли давлатларнинг қонунларига биноан совет гражданлари ўртасида никоҳдан ажралиш, агар бу никоҳдан ажралганда эр-хотининг иккови СССР доирасидан ташқарида истиқомат қилиб турган бўлса, Ўзбекистон ССРда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ажнабийлар ўртасидаги никоҳ СССР доирасидан ташқарида тегишли давлатларнинг қонунларига биноан ажратилган бўлса, Ўзбекистон ССРда ҳақиқий деб ҳисобланади.

267-модда. **Чет элларда доимий истиқомат қилувчи совет гражданлари никоҳдан ажратиш**

Чет элларда доимий истиқомат қилувчи совет гражданлари ўртасидаги никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон ССРнинг судлари томонидан СССР Олий судининг топшириғига биноан кўрилади.

268-модда. **СССР доирасидан ташқарида истиқомат қилиб турган совет граждани бўлган болаларни фарзандликка олиш**

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ, СССР доирасидан ташқарида истиқомат қилаётган совет граждани бўлган болани фарзандликка олиш СССР элчихонасида ёки консулхонасида расмийлаштирилади. Фарзандликка олаётган шахс совет граждани бўлмаса, болани фарзандликка олиш учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлигидан ёки бошқа иттифоқдош республиканинг шунга ваколатли органидан рухсат олиниши зарур.

Совет граждани бўлган боланинг Ўзбекистон ССР Маориф министрлигидан ёки бошқа иттифоқдош республиканинг шунга ваколатли органидан олдин рухсат олиб, сўнгра бола истиқомат қилиб турган территориядаги давлат органларида фарзандликка олиниши ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

269-модда. **Совет граждани бўлган болаларни Ўзбекистон ССРда ажнабийлар томонидан фарзандликка олиш**

Совет граждани бўлган болаларни Ўзбекистон ССР территориясида ажнабийлар томонидан фарзандликка олиш учун ушбу Кодекснинг 13-бобида белгиланган қоидаларга риоя қилиниши ва ҳар бир алоҳида ҳолда боланинг яшаш жойига қараб Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, механизаторлар депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг розилиги олиниши шарт.

270-модда. **ССР Иттифоқининг ҳамда Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларини гражданлиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўллаш**

Ўзбекистон ССРда истиқомат қилаётган гражданлиги бўлмаган шахслар совет гражданлари сингари умумий асосларда никоҳ тузадилар, ажраладилар, никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва шу қонунларда кўзда тутилган мажбуриятларни бажарадилар.

25-боб. ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЧЕТ ЭЛ ҚОНУНЛАРИНИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ВА БИТИМЛАРНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ

271-модда. **Ўзбекистон ССРда чет эл қонунларини татбиқ қилиш**

Совет тузумининг асосларига зид бўлган никоҳ ва оила тўғрисидаги чет эл қонунларини Ўзбекистон ССР территориясида татбиқ қилиш ёки шу қонунларга асосланган гражданлик ҳолати актларини тан олиш мумкин эмас.

272-модда. **Ўзбекистон ССРда халқаро шартномалар ва битимларни татбиқ қилиш**

СССР ва Ўзбекистон ССР иштироки билан тузилган халқаро шартнома ёки халқаро битимда никоҳ ва оила тўғрисидаги совет қонунларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, бундай ҳолда Ўзбекистон ССР территориясида халқаро шартнома ёки халқаро битим қоидалари татбиқ қилинади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

11 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Халқ контроли амалда» (русча). 18.10 И. Иордан. Скрипка ва оркестр учун концерт. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.20 Тожик куйлари. 22.40 Шеърият кечаси (ўзбекча). 23.15 «Куйлар тинглаб, дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ленин ҳақида куйлаймиз» деган концерт (ўзбекча). 19.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Х. Тожибоев. «Улар ширин ҳаёт кечирсинлар деб» (русча). 20.00 Тожик халқ куйлари. 20.30 Корейс куйлари. 21.00 «Қардош халқлар адабиёти». Қозоқ ёзувчиси Габит Мусрепов ҳикоялари (ўзбекча). 21.40 Москва.

12 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Най тароналари. 7.55 «Саломатлик — туман бойлиқ» (ўзбекча). 8.25 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 Фортепьяно пьесалари. 10.30 Ўзбек халқ куйлари. 11.15 «Аҳолига — граждан мудофааси ҳақида» (ўзбекча) 11.30 Топишмоқли концерт (ўзбекча). 13.30 С. Рахманинов ва А. Скрябиннинг фортепьяно пьесалари. 15.15 Маданият радиоуниверситети. Адабий-музикали программа (ўзбекча). 16.10 «Совандалар билан учрашув». В. Соколов. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 «Ноорус» хори куйлайди». Эстония радиосининг эшиттириши (ўзбекча).

18.00 «Ислоҳот амалда» деган эшиттириш (ўзбекча). 18.10 Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти. 19.20 Татар куйлари. 20.00 Футбол. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). Марказий «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади. 20.45 «ВШЛИК» радиостанциясининг программаси. 21.15 «Гулла-яшна. Мирзачўл!» деган музикали-адабий радиокомпозиция. 22.20 Ёнгил куйлар. 22.40 Ленин ва давлат мукофотларига тақдим этилган асарлар. С. Бабаевский. «Оқ нур» романидан парча. 23.15 Маком кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус халқ хорлари ва халқ чолғу оркестрларининг концерти. 9.15 Реклама ва эълонлар. 19.00 «Ёшлар ижоди» (ўзбекча). 19.30 «Нодир асарлар». Титто Руффо куйлайди. 20.00 «Дўстлик қўшиқлари» деган радиокомпозиция. 20.30 Г. Мушель. Скрипка ва оркестр учун концерт. 21.00 У. Назаров. «Ким айбдор?» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Ж. Руссо. «Қишлоқ жодугари» комик операси. 2. Ференц Фаркаш. «Чином Палко» оперетасининг монтажи. 16.00 Театр микрофон олдида. Ҳамза номли театрнинг «Қирол Лир» спектаклининг монтажи.

ТЕЛЕВИЗОР

11 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 Ленин кутубхонаси. 19.00 Рақс ўрганамиз. 19.40 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Телевизион янгиликлар. 20.15 Рангли телевидение программаси. Фильм-концерт. 21.30 «Биз — коммунистлар» Телеочерк. 22.00 «Опера билан танишув». С. Монюшко. «Галька». 01.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун концерт (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.05 Болалар учун телефильм. 19.25 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.

Ўзбек тилида: 20.05 Наманган шаҳар маданий-оқартув техникуми бадиий ҳаваскорларининг концерти.

Рус тилида: 20.45 «Ода». Ҳужжатли фильм. 20.55 Музикали саёҳат.

Ўзбек тилида: 21.40 «Одамлар, ишонинг менга». Бадиий фильм.

12 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Болалар учун. «Омадсиз бўри». Қўғирчоқ фильм. 19.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). Танаффус вақтида ўзбек тилида телевизион янгиликлар. 20.45 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.50 Ўн минут музика. 21.00 Саноат ходимлари учун. «Ишчи номи мағрур янграйди» программаси. 21.35 «Киноленинном «Волга бўйидаги Ленин бўлган жойларда». 21.55 «Собир Абдулла». Ёзувчининг ижодий портрети.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ДЎСТЛИК ЭКРАНИ. ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

18.00 Экран — болаларга. 18.15 «Сеҳрли қалам». 18.45 Янгиликлар. 18.55 Телеочерк. 19.15 «Сиз буни биласизми?».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Музикали киноленинном саҳифалари. 21.00 Беш йиллик йўллари. 21.30 «Правда» газетаси мукофоти учун югуриш бўйича халқаро мусобақалар. 23.00 Музикали календарь саҳифалари. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Рангли телевидение программаси. Болгар фильмлари фестивали. «Ивайло». Бадиий фильм. 01.45 Москва кўрсатувларининг охири.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VI да **Бой ила х и з м а т ч и**, 13/VI да **Парвона**, 14/VI да **Шох Эдип** (спектакллар кеч соат 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/VI да **Катта концерт**, 13/VI да **Ажаб савдолар.**

Кино

11 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кечқурун).

Уруш — уруш-да — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Чашма узра ташналик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ВОСТОК» (кечқурун).

Эрканча гап — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минутда).

Рошфорлик қизлар — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

12 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кеч. қурун).

Рошфорлик қизлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чашма узра ташналик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 йиллиги» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эрканча гап — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минутда).

23 июнь эрталаб соат 11 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университет фалсафа ва сиёсий иқтисод кафедраларининг илмий даражалар бериш бўйича илмий совети кенгаши (Навоий кўчаси, 36 уй, акт зали) да фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

И. Исҳақов: «Меҳнатга коммунистик муносабатни шакллантиришда моддий ва маънавий стимулларнинг роли» деган темада

А. Эркаев: «Миллий маданиятларнинг яқинлашиши, бир-бирини бойитиш ва уларнинг Совет ишлари эстетик эҳтиёжларининг ўсувига таъсири» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан кутубхона (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, ТошДУ)да танишиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» УЙИ ДИРЕКЦИЯСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РЕКТОРАТИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

16 ИЮНДАН 1 АВГУСТГАЧА

Олий ўқув юртларига кирувчилар учун:

МАТЕМАТИКА,
ХИМИЯ,
ФИЗИКА,
АДАБИЁТ,
ТАРИХ,
ЧЕТ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА

ОБЗОР ЛЕКЦИЯЛАРИ УЮШТИРАДИ

Лекцияларни Тошкент шаҳри Олий ўқув юртларининг профессор ўқитувчилари олиб борадилар.

Абонемент ва кириш билетлари «Билим» уйи кассасида 10 июндан бошлаб сотилади.

Адрес: Киров кўчаси, 24 уй.

МАРКАЗИЙ ПАХТАКОР СТАДИОНИДА

11, 12 июнь кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «А» классининг «ШАХТЁР» (Донецк) — «ПАХТАКОР (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

11 июнда дублерлар составлари, 12 июнда асосий составлар ўйнайди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР, А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 21, 22, 25 ИЮНДА

«СЕВГИ ТУМОРИ»

Премьера

3 кўринишли, 6 пардали балет.

(Б. Гарги «Сонни ва матиал» драмаси мотиви асосида)

М. Ашрафий ва Г. Миллер либреттоси.

Дирижёр — СССР халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати, профессор Мухтор АШРАФИЙ.

Постановкачи — балетмейстер — СССР халқ артистаси, СССР Давлат мукофоти лауреати Галия ИЗМАЙЛОВА.

Рассом — УзССР халқ рассоми Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Мели Мусаев.

Постановканинг бадиий раҳбари — БССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби РСФСР да хизмат кўрсатган артист А. АНДРЕЕВ.

Кеч соат 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 6 БЕТ. 11 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03 ахборот бўлими — 33-65-57; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2774. Р. 06550 Индекс 64579